9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

WWW.MV-VATANPARVAR.UZ
VATAN@EVO.UZ

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефон орқали сканер қилинг.

2020 йил 8 май, №19 (2874)



УЛУҒ АЙЁМ

Ғалаба! Оддий айтманг бу сўзни асло,
Дилларни ларзага солсин бу калом.
Зеро, бу жангларда тортилган наъра,
Шаҳид умрларга берилган инъом.

Музаффар кунларнинг пойига фидо,
Қадди эгилмаган ғолиблар ҳаққи.
Зафар туғросини айланг тўтиё,
Бу юртнинг шарафи, бу миллат фахри.

Хотира! Қалбингиз гар бўлса уйғоқ,
Дилларда яшагай аждодлар ёди.
Кўзда ёш айланса, юракда титроқ,
Бу кўнгил икроми, шараф баёти.

Унутманг, эл деган азаматларни,
Ёдда асрамоқлик ҳикмат муқаддас.
Жаннат боғларининг саховатлари,
Шаҳид ўғлонларнинг пойига пайваст.

Қадр тимсолида Ватан мужассам,
Қадр қарорида яшайди миллат.
Бу – эъзоз-эҳтиром, қудрат муаззам,
Бу – имон-эътиқод, боқий қадрият.

Қадри баланд элнинг эгилмас қадди,
Нурли кексаларнинг дуоси пайванд.
Эзгу амалларга тайёр ҳар марди,
Ҳар инсон кўксида саховат, ҳиммат.

Бундай жўмард элда яшамоқ бахтдир,
Бахтдир аёмларин жонбахш навоси.
Бонг урсин, сўнмасин Хотира, Қадр,
Сўнмасин, зафарлар «Ура!» садоси.

Зулфия ЮНУСОВА

4-бетда



ҲАРБИЙЛАР – ЮРТ ҚАЛҚОНИ, КАМАРБАСТА ЧИН ДЎСТ!

16-бетда



ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ МАХСУС БЎЛИНМАЛАРИ

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнгги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:
t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press
facebook.com/UzArmiya
instagram.com/uzbekistanarmy

Шавкат Мирзиёев: сув тошқини биз учун аччиқ сабоқ бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга ҳамда Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган фавқулодда ҳодисаларга яна бир бор алоҳида тўхталиб ўтди. Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

– Бутун инсоният коронавирус билан бирга, иқтисодий инқирозга ҳам қарши курашаётганини ҳаммамиз кўриб, кузатиб турибмиз.

Жаҳонда мураккаб вазиятдан чиқиш учун карантин чораларини аста-секин юмшатаётган давлатлар сони кўпайиб бормоқда.

Яратганга шукр, бугун Ўзбекистонда эпидемиологик вазият тобора барқарорлашиб боряпти. Кундан-кунга касалликка чалинганларга нисбатан соғайган беморлар сони кўпаймоқда. Карантинга янги олинганларга нисбатан анча кўп одам ундан чиқарилмоқда. Натижада бугунги кунда коронавирус юқтирган беморларнинг 66 фоизидан ортиғи тўла соғайди.

Карантиндаги аҳолининг 83 фоизи ўз уйига қайтди. Яъни ижобий динамика кучайиб бормоқда. Шифохоналарда қолаётган беморларни даволаш, саломатлигини тиклаб, оиласи бағрига қайтариш учун барча зарур чоралар кўрилмоқда.

Бу ишлар осонликча бўлаётгани йўқ. Ҳозирга қадар бунга Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 2 триллион 250 миллиард сўм сарфладик ва 500 миллион доллар халқаро молия институтларидан жалб қилдик.

Бугунги кунда бутун дунёда ҳеч ким пандемия яна қанча давом этишини билмаяпти. Шу сабабли, қанчалик қийин бўлмасин, халқимиз билан бирга пандемия шароитида, барча талабларга амал қилган ҳолда, ишлаш ва яшашга ўрганишимиз керак.

Эпидемиологик вазият ижобий томонга ўзгарганидан фойдаланиб, биз иқтисодиётимизда карантин режимини аста-секин юмшатмасак бўлмайди. Чунки бу тартиб иқтисодиётимиз ривожига ва аҳолимиз ҳаётига жуда катта салбий таъсир қилмоқда.

Бу борада халқимизга, айниқса, фермер ва тадбиркорларга қулайлик яратиш учун карантин талабларини юмшатиш бўйича дастлабки қадамларни қўйдик.

Ҳурматли дўстлар!

Бу йил инсоният учун, шу жумладан биз учун жуда оғир келди. Кейинги бир ҳафтанинг ўзида халқимиз кетма-кет кутилмаган синовларга дуч келди.

27 апрель кечаси Бухоро вилоятида, айниқса, Олот ва Қоракўл туманларида юз берган оғир табиий офатдан яхши хабардорсизлар.

Бу офат вилоят бўйича 38 мингдан зиёд аҳоли хонадонлари, 847 та ижтимоий соҳа объектларига, экин майдонларига зарар етказди. Қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва инфратузилма соҳаларига ҳам жиддий талафот етди.

Биз табиий офат оқибатларини бартараф қилиш бўйича барча зарур чораларни кўряпмиз. Ҳукумат комиссияси туну кун ишламоқда. Бугунгача 70 фоиз ижтимоий объектлар, 20 фоиз аҳоли хонадонларининг томи ёпилди. Шунингдек, 5 минг километр электр тармоқлари, 1 100 та трансформатор таъмирланиб, 286 минг аҳолининг электр таъминоти тикланди. Якка тартибдаги уй-жойлар ҳам таъмирланмоқда.

Афсуски, бошимизга келган синовлар шу билан тугагани йўқ.

Хабарингиз бор, Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омборида содир бўлган фавқулодда вазият туфайли Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги 24 та маҳалладан 90 мингга яқин фуқаро зудлик билан хавфсиз ҳудудга эвакуация қилинди. Уларнинг барчасига биринчи даражали зарур шароитлар яратилиб, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказилмоқда.

Сув тошиши оқибатларини бартараф этиш ва сабабларини ўрганиш бўйича Ҳукумат комиссияси ишламоқда. Зарар етган уй-жойларни тиклаш ва таъмирлаш, одамларни ўзининг тикланган уйига қайтариш ва рўзғорига ёрдам бериш, инфратузилмани тиклаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича барча масалалар ҳал қилинмагунча Сирдарёга бириктирилган ҳар бир раҳбар кучайтирилган сафарбарлик режимида ишлайди.

Бу ҳудудлардаги одамларнинг ҳаётини нафақат олдинги ҳолатига қайтариш, балки уни янада яхшилаш керак. Уларга янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиб, янги иш ўринлари яратиб беришимиз шарт, деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда қатор маҳаллаларда кенг қамровли тозалаш-тиклаш ишлари амалга оширилаяпти, натижада 53 мингдан зиёд аҳоли ўз уйларига қайтиши ёки яқин қариндошлари уйига кўчиб ўтиши таъминланди.

Такрор айтаман, давлатимиз, жамиятимиз ҳеч кимни бундай кутилмаган фалокатлар қаршисида ёлғиз ва эътиборсиз қолдирмайди.

Одамларимиз ҳаётини сақлаб қолиш ва эвакуация қилишда Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Миллий гвардия хизматчилари муҳим роль ўйнади. Бугунги кунда улар авария ва тиклаш ишларига кенг жалб этилган.

Афсуски, ҳозиргача 4 нафар фуқаромизнинг табиий офат оқибатида ҳалок бўлгани, 1 нафари бедарак йўқолгани аниқланди. Жумладан, аҳолини хабардор қилиш ва қутқарув ишларини олиб бориш жараёнида Миллий гвардиянинг 2 нафар ходимини кучли сув оқими олиб кетган. Улар ўз жонини фидо қилиб, юзлаб, минглаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолишди.

Ҳалок бўлганларнинг яқинлари ва оила аъзоларига ўзимнинг чуқур ҳамдардлигимни билдираман.

Йигитларимизнинг жасорати барча касбдошлари ва ёшлар учун Ватанга, халқимизга содиқлик ва фидокорона хизмат қилишнинг намунаси бўлиб қолади.

Албатта, Бухоро ва Сирдарёдаги офатлар Яратганнинг бизга юборган синови. Бунга сабр қилишимиз, қаттиқ меҳнат билан, биргаликда ёруғ юз билан ўтишимиз керак.

Ушбу қийинчиликларга қарамай, халқимиз бу синовлар олдида ўзини йўқотиб қўймаганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мана, «ойнаи жаҳон» орқали кўряпсизлар, халқимиз янада бирлашиб, ўзининг меҳр-оқибати, бағрикенглиги, буюк саховатини ҳар куни, ҳар дақиқада намоён этмоқда. Буни Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидан кўчирилган фуқароларнинг 81 фоизини Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари аҳолиси ихтиёрий равишда ўз хонадонларига жойлаштиргани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Бошқа вилоятлар, вазирлик, компания ва уюшмалар, аҳолимиз томонидан қисқа вақтда Бухоро ва Сирдарёга ёрдам бериш учун катта миқдордаги ҳомийлик маблағлари ўтказилди, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва рўзғор буюмлари юборилди.

Фурсатдан фойдаланиб, жабр кўрганларга ёрдам кўрсатаётган бағрикенг, саховатпеша ва ҳамдард халқимизга яна бир бор ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Халқимиз бир нарсадан кўнгли тўқ бўлиши керак, ҳеч қандай ортиқча гап-сўзларга ва миш-мишларга ўрин бўлмаслиги лозим. Менинг топшириғимга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан сув тошқини билан боғлиқ воқеа юзасидан объектив, холис ва кенг қамровли тергов ҳаракатлари бошланган. Халқимизни ишонтириб айтаман, тергов якунлари бўйича барча айбдорлар, ким бўлиши ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, қонун олдида жавоб беради.

Бу сув тошқини биз учун аччиқ сабоқ бўлди. Шу сабабли сув омбори масаласида биз халқаро экспертларни жалб этган ҳолда тўғоннинг барча дамбаларини чуқур экспертизадан ўтказамиз. Фақат шундан кейингина якуний хулосага келамиз.

Шунингдек, менинг топшириғимга биноан ҳозирги кунда тегишли давлат органлари томонидан кучли ёғингарчилик сабабли эрозия юзага келиши мумкин бўлган барча гидроиншоотлар, тўғонлар ва ГЭСларда текширув ишлари олиб борилмоқда.

Афсуски, Сардобадаги офат натижасида биз билан чегарадош бўлган ён қўшнимиз – Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти Мақтарал туманининг айрим аҳоли пунктларини ҳам сув босди. Биз Қозоғистон Президенти, ҳурматли Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали бу масалани ўзаро тушуниш ва очиқлик руҳида атрофлича муҳокама қилиб олдик. Куни кеча Туркистон вилояти ҳокими Умирзоқ Шукеев бошчилигидаги делегация воқеа жойида бўлиб, вазиятни ҳар томонлама чуқур ўрганди.

Биз қардош қозоқ халқи билан азал-азалдан бир дарёдан сув ичиб, ўзаро қуда-анда бўлиб, эт билан тирноқдек яқин бўлиб яшаганмиз. Қувончли кунларда ҳам, синовли дамларда ҳам ҳамиша бир-биримизга елкадош бўлиб, қўллаб-қувватлаб келганмиз.

Ушбу кутилмаган техноген офат нафақат аҳолимизга, балки қўшни қозоқ биродарларимизга ҳам ортиқча ташвиш ва зиён етказганидан жудаям хижолатдамиз. Уларнинг аҳоли яшаш жойлари ва экин майдонлари зарар кўрганидан, албатта, биз жуда афсусдамиз.

Ҳукуматимиз, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, бошқа мутасадди ва мутахассислар қозоғистонлик ҳамкасблари билан биргаликда табиий офат оқибатларини бартараф этишда керакли ёрдам беришга ҳам тайёр эканимизни билдирдик.

Ишончим комил, биз бошимизга тушган бу оғирликларни ҳам халқимиз билан биргаликда, ўзаро ҳамжиҳатликда бир тану бир жон бўлиб, албатта, енгиб ўтамиз.

ЎзА

Карантин шароитини енгиллаштиришнинг навбатдаги босқичи белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 5 май куни карантин шароитини янада енгиллаштириш ва иқтисодий фаолиятни қайта тиклаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда эпидемиологик вазият ижобий томонга ўзгараётгани боис 22 апрелдан карантин шароити босқичма-босқич юмшатила бошланган эди. Бу ишларни изчил давом эттириш мақсадида жойлардаги вазият ўрганилди. Ҳар бир тармоқ ва ҳокимликлардан асосланган таклифлар олинди.

Йиғилишда ушбу таклиф ва таҳлиллар асосида бундан буён амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди.

Ҳозирда фаолияти тикланган саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларига қўшимча равишда хизмат кўрсатиш субъектлари ҳам босқичма-босқич ишга туширилиши белгиланди.

Жумладан, эпидемиологик вазият яхши бўлган ҳудудларда, санитария талабларини белгилаган ҳолда, ноозиқ-овқат дўконлари, тиббий диагностика, такси хизмати, таъмирлаш, тикувчилик, маиший техника ва пойабзал тузатиш, сартарошхоналар фаолиятига рухсат бериш кераклиги қайд этилди. Шунингдек, стикерлар бекор қилиниб, шахсий автомобиллардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Лекин коронавирус тўла бартараф бўлмагани сабабли, одамлар кўп тўпланадиган объектлар, жумладан, театр, концерт ва спорт заллари, тўйхоналар, жамоат транспорти бўйича чекловлар маълум муддатгача сақланиб қолади.

Республика комиссиясига хизмат кўрсатиш турларини қайси ҳудудларда ва қандай шартлар асосида йўлга қўйишни белгилаш топширилди.

– Эпидемиологик вазият яхшиланган сари чекловларни бекор қилишни давом эттирамиз. Аксинча, вазият ёмонлашса, карантин чораларини қайта тиклаймиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Корхоналар барқарор ишлаб кетиши учун уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Унга кўра:

– тўқимачилик корхоналари ва кластерларини янада қўллаб-қувватлаш, маҳсулот рақобатдошлигини ошириш мақсадида хом ашё нархини 10 фоизгача пасайтириш имкониятини берувчи халқаро биржа нархларига ўтилади;

– 1 апрелга қадар ички бозорда сотилган пахта толаси учун якуний тўлов муддати 90 кундан 150 кунгача узайтирилди;

– тўқимачилик корхоналари экспорт қилган маҳсулот республикадан чиқиб кетиши билан қўшилган қиймат солиғи тўлиқ қайтарилади;

– соҳа учун муҳим бўлган 64 турдаги хом ашё ва материаллар божхона божидан озод қилинди.

Шунингдек, тайёр маҳсулот экспортини кескин кўпайтириш, йирик, камида мингта одам ишлайдиган, халқаро бренд остида ишлаб чиқарувчи замонавий йирик тўқимачилик ва тикув кластерларини барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам қабул қилинди.

Унга мувофиқ, ташиш харажатлари учун субсидия бериладиган маҳсулот турлари ҳозирги 52 тадан 86 тагача кўпайтирилди. Бу рўйхатга 32 турдаги сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳамда ҳўл, музлатилган ва консерваланган мевалар қўшилди.

Ушбу транспорт харажатини субсидиялаш механизмидан 2 мингдан зиёд экспортёр корхоналар фойдаланиши имконияти яратилмоқда ва бунга бюджетдан 360 миллиард сўм йўналтирилади.

– Бундай чоралардан мақсад – корхоналар фаолиятини тез тиклаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш учун катта имконият яратиш. Шу сабабли барча даражадаги раҳбарлар доимий равишда ҳар бир туман ва маҳаллада янгича ғоя ҳамда ташаббусларни жорий этиб, оддий халқ ёки камбағалнинг ҳаётини яхшилаш, уларни банд қилиш ва даромадини ошириш масалалари билан устувор даражада шуғулланиши керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда карантин чоралари енгиллаштириладиган ҳудудларни белгилаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳокимликлар билан бирга ҳар бир туман ва шаҳарнинг карантин даражасини белгилаш, жойлардаги вазият ўзгаришига қараб, тезкорлик билан карантин даражаларини янгилаб бориш вазифаси қўйилди. 23 апрель куни тасдиқланган пандемия даврида вақтинчалик санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормаларга риоя этиш зарурлиги таъкидланди.

Карантиндан кейин иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлар барқарор фаолият юритиб кетиши учун шароит яратишни ҳозирдан бошлаш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тармоқ раҳбарлари, вилоят ҳокимлари ва банклар билан бирга 1 июнга қадар корхоналарга кўрсатиладиган ёрдам турлари ва миқдорини аниқлаб, ҳар бир корхона бўйича Инқироздан кейинги манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилди. Ушбу режада корхоналарга айланма маблағлар учун қўшимча кредитлар бериш, экспорт мажбуриятларини бажаришга кўмаклашиш, томорқа ва иссиқхоналар учун давлат томонидан бериладиган субсидиялар миқдорини оширишга устувор аҳамият берилади.

Видеоселектор йиғилишида солиқ тушумларини таъминлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Жорий йилнинг январь – апрель ойларида бу борадаги прогноз 102,7 фоиз бажарилган. Бундан буён бюджетга тушумлар сезиларли равишда ортиб бориши қайд этилиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигига ҳам яна бир бор эътибор қаратилиб, аҳолини асосий турдаги маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар ва ҳокимлар ахборот берди.

ЎзА

МИННАТДОРЛИК ИЗҲОРЛАРИ

Сардоба сув омбори тўғони дарз кетиши оқибатида вилоятдаги Қўрғонтепа, Оқолтин ва Мирзаобод туманининг бир қанча маҳаллаларидаги уй-жойларга, экин майдонларига ва қатнов йўлларига талафот етган эди.

Айни вақтда фожиа юз берган ушбу ҳудудларда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари томонидан тозалаш-ободонлаштириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Махсус отрядларнинг 300 та дезинфектори, 30 та махсус техникаси кучи билан тозаланган хонадонларда, маҳаллаларда, автомобиль йўлларида, объектларда ҳамда нобуд бўлган уй ҳайвонлари топилган жойларда ҳар куни тизимли равишда дезинфекция ишлари амалга оширилмоқда.

Шу кунларда юртдошларимизнинг меҳр-муҳаббат, саховат ва инсонпарварлик каби фазилатлари кўзга яққол ташланмоқда.

Жумладан, пойтахтимиздаги Олмос маҳалласида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар турмуш ўртоқларининг тошқинидан жабр кўрган оилаларга йўллаган инсонпарварлик ёрдами ҳам ана шундай эзгуликка эш. «Биз сиз билан биргамиз, сирдарёликлар!» шиори остида ўтказилган саховат акцияси доирасида сув тошқини туфайли уй-жойидан ажралиб, қариндошлари ва танишбилишларникида истиқомат қилаётган оилалар ҳолидан хабар олинди. Уларга озиқ-овқат, кийим-кечак ва кўрпа-тўшаклар тарқатилди.



Муборак ТЎРАЕВА:

– Тўрт фарзандим бор. Улар энди балоғат ёшига етганда бошимизга шундай мусибат тушди. Эгнимиздаги биргина кўйлак билан уйдан чиққанмиз. Шукрки, давлатимиз, халқимиз бизни ташлаб қўйгани йўқ. Ватандошларимиз меҳрини, ғамхўрлигини ҳис қилиб яшаяпмиз. Бугун турмуш ўртоғим уйимизнинг аҳволидан хабардор бўлишга кетганди.

Уй бузилган бўлса, қулаган деворларни, тупроқларни энди нима қиламиз, деб ўйланиб ўтиргандим. Ҳозир телефонлашдик. Ҳарбий хизматчилар уларга кўмак берибди. Яроқли, яроқсизни бир четга ажратишибди, ҳамма жойни тозалашибди. Кўнглим ёришди. Бизга шундай мушкул вазиятда кўмакчи бўлган ҳарбийларга раҳмат. Уларга худди ўз яқинларимдай меҳрим тушди. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бизни ёлғизлатиб қўймайдиган мард инсонлар борлигидан чексиз шодмиз.

Раъно ЭШБОЕВА:



– Уйимизни ўтган йили таъмирлагандик. Катта дўконимиз бор эди. Оиламизнинг ризқи шу дўкон ортидан эди. Лекин фалокат келганда уй-жой кўзга кўринмас экан. Ҳатто ҳужжатларимизни олишга ҳам улгурмадик. Мен шу кунларда юртимизда саховатпеша халқимиз, ҳар қандай вазиятда ҳам ёрдам қўлини чўзадиган меҳридарё ватандошларимиз кўплигини ҳис қилдим. Яхши сўзлари, эзгу амаллари билан бизга далда бўлаётган ёшу қаридан миннатдормиз. Уларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли ҳечам тушкунликка тушганимиз йўқ.

Айниқса, ҳарбийларнинг беминнат хизматидан хурсандмиз. Улар биз учун жон куйдираяпти. Ўғлим «Темурбеклар мактаби» ўқувчиси. Айни кунларда фалокат оқибатларини бартараф этишда тунү кун тиним билмаётган ҳарбийларга қараб ўғлим келажаги учун тўғри танлов қилганини англадим. Бундан фахрландим.



Ўриш БЕРИКБАЕВ:

– Ёшим саксонга яқинлашяпти. Шу ёшда бундай мусибат етиши кимнинг ҳаёлига келибди, дейсиз. Бутун умрим қўй-моллар ортидан юриб ўтди. Ўғил-қизларимни шу чорва ортидан уйлаб-жойладим. Нолимайман, нолисам ношукрлик бўлади. Бу кунлар ҳам бир синов. Ҳадемай ҳаммаси ортда қолади.

Бугун ҳовлимизга келгандик. Ортимиздан ҳарбийлар ҳам кириб келишди. Ҳаш-паш дегунча ҳамма томонни тозалаб бўлишди. Илоҳим, тан-жонлари соғ бўлсин. Ҳеч қачон ғам кўришмасин.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА суҳбатлашди.

ЖАРАЁН

ҲАРБИЙЛАР – ЮРТ ҚАЛҚОНИ, КАМАРБАСТА ЧИН ДЎСТ!





Шу йилнинг 1 май тонгини кутиб олиш нафақат сирдарёликлар, балки бутун Ўзбекистон халқи учун оғир бўлди. Вилоятдаги Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми ўпирилиб, сув оқими аҳоли яшаш пунктлари, коммуникация тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги майдонларига катта зарар етказди. Вилоятнинг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларидаги 22 та қишлоқдан жами 60 мингдан зиёд аҳоли хавфсиз жойларга эвакуация қилинди...



Ташвишли кунларда ҳақиқий дўст синовдан ўтади. Ватан ҳимояси учун умрини, жонини ва шонини тиккан йигитларимиз бу сафар ҳам халқ дардига малҳам бўлиш учун Сирдарё томон отланишди. Мудофаа вазирлигининг барча округлари, қўшилмалар ва бирлашмалари ҳарбийларидан иборат ишчи гуруҳлари куч ва воситалари билан уюшқоқликда Сардобага етиб келиб, Олий Бош Қўмондонимизга камарбаста бўлиши, албатта, муаммоларнинг тезроқ бартараф этилишига замин яратди. Ҳозирда шу пайтга қадар жанговар қурол тутиб келган 11 мингга яқин ҳарбий хизматчилар хўжалик асбобларини вақтинчалик «қурол»га айлантиришди. Улар қидирув-қутқарув, сув тошқинидан талафот кўрган ҳудудларни тозалаш, зарар кўрган хонадонларни таъмирлаш, маҳалла кўчалари ва ҳовлиларда тўпланиб қолган сувларни махсус техникалар ёрдамида чиқариб ташлаш ишлари билан шуғулланмоқда.

Мудофаа вазирлиги Радиацион кимёвий, биологик муҳофаза бўлинмалари тошқиндан кейин тозаланган ҳудудларни дезинфекция қилиш ишлари билан банд. Кўп зарар кўрмаган маҳаллаларга қайтарилаётган хонадон соҳибларига ўз уйлари айнан дезинфекция қилинган ҳолда топшириляпти.

Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлик – ҳарбий учувчилари вертолётлар билан сув омбори тўғони ёрилиб кетган ҳудудга биринчилардан бўлиб етиб бориб, ўз хизмат вазифасига киришган эди.

H215M Super Puma ва H125M Fennec вертолётлари учувчиларининг профессионаллиги боис уйлар томида ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудларда қолиб кетган 300 дан ортиқ одамларни эвакуация қилишга муваффақ бўлинди. Ҳарбий экипаж дарахтлар ва электр симлари борлигига қарамасдан тунги вақтда ҳам ерга жуда яқин баландликларда парвозларни амалга оширмоқда.

Етиб бориш қийин бўлган жойларда разведка-қидирув ишларини амалга ошириш бир лаҳза бўлса-да, тўхтаб қолгани йўқ. Қутқарилган фуқаролар зудлик билан ҳудудда ташкил этилган Мудофаа вазирлигининг ҳарбий мобиль тиббий марказига олиб келиниб, уларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатилаётир.

Шунингдек, Ватан ҳимоячилари юзага келган табиий офат оқибатида эвакуация қилинган аҳоли билан ижтимоий-психологик тадбирларни амалга оширишда ҳам фаол иштирок этмоқда.



Психологик тадбирларда табиий офат оқибатида жабрланган фуқаролар орасида ваҳима ва тушкунликка тушиш ҳолатларини бартараф этиш, уларга психологик ёрдам кўрсатиш, аҳоли ўртасида асоссиз ва салбий ахборотлар тарқалишининг олдини олиш ҳамда фуқаролар, айниқса, ёшларнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини барқарорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Машғулотлар давомида фуқаролар билан психологик тренинг, машқ ва мотивацион тадбирлар ҳам олиб бориляпти.

Бир сўз билан айтганда, Сардобадаги ҳолатни бартараф этишда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари улкан жасорат кўрсатиб, ҳақиқий ватанпарвар эканликларини яна бир бор намоён этмоқда.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»

Бундан бир муддат аввал Бухоро вилоятида кузатилган табиий офат сабаб барчамизнинг диққат-эътиборимиз мазкур ҳудудга қаратилган эди. Кўп қатори Мудофаа вазирлиги шахсий таркиби ҳам жонбозлик кўрсатиб, табиий офат келтирган зарарни бартараф этиш ишларида намуна бўла олди ва бу саховатли амаллар шу кеча-кундузда ҳам бир лаҳза тўхтамай давом этаётир.

Халқимизда бир келса, қўш келади, деган гап бор. Сардобадаги офат ҳам халқимиз сабр-бардошини синовдан ўтказаётган навбатдаги кутилмаган ҳолат бўлди. Боғчалар, коллежлар ётоқхонаси ва саховатли инсонлар хонадонига эвакуация қилинган аҳоли учун республикамизнинг барча вилоятидан беғараз



инсонпарварлик ёрдамлари карвони кела бошлади. Бу карвоннинг катта қисми Мудофаа вазирлигининг ҳарбий округлари, қўшилмалар ва бирлашмалари ҳиссасига тўғри келгани, шубҳасиз, Ватан ҳимоячиларининг «Халқ ва армия – бир тану бир жон» нақлини чин юракдан ҳис этаётганини англатади.

МИНБАР

АЖДОДЛАРНИ ХОТИРЛАШ – МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ

> Инсонга ҳар куни тинчлик ва хотиржамлик керак. Тинчини йўқотган хонадон ҳам, мамлакат ҳам асло хотиржам бўла олмайди. Тинчлик-хотиржамлик – тараққиёт гарови. Биз азалдан тинчликсевар халқмиз. 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлаб, Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган ота-боболаримизни эслаб, уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириб келаётганимизнинг замирида ҳам айнан мана шу эзгу мақсад ётибди.



Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан минглаб ватандошларимиз иштирок этди, кўплари жанггоҳлардан ногирон бўлиб қайтди, анчаси навқирон ёшида мардларча ҳалок бўлди. Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага муносиб ҳисса қўшган, фронт ортида меҳнат қилган заҳматкаш халқимизнинг хизматини ҳам асло унутиб бўлмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган илк кунларданоқ тинчлик-тотувлик тарафдори бўлди, мана шу эзгу ният билан дунё саҳнига чиқди. Шунга кўра, 9 майни 1999 йилдан бошлаб Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлаб келамиз.

Ҳар йили мана шу сана олдидан Президентимизнинг махсус Фармони эълон қилинади. Унда Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчиси, фронт ортида меҳнат қилган жафокаш халқимизга ҳурмат бажо келтириш, юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш ҳамда бу муқаддас айёмни юксак савияда нишонлаш кўзда тутилади.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги хиёбонга генерал Собир Раҳимов ҳайкали ўрнатилиши ҳам тарихий ҳақиқатнинг тикланиши бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 25 июнь куни мазкур ҳудудда бўлиб, у ерда «Ғалаба боғи» қурилиши бўйича топшириқ берган эди. Шу асосда боғ концепцияси ишлаб чиқилди. Унда ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорати, фронт ортидаги буюк иродаси ва саботи акс эттириладиган бўлди. Бугун мазкур боғда қизғин иш кетмоқда.

Боғни барпо этишда Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа, Ташқи ишлар, Ички ишлар, Маданият вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг таклиф ва тавсиялари асосида иш олиб борилмоқда.

«Ғалаба боғи»нинг концепцияси билан яқиндан танишиш жараёнида беларуслик мутахассисларнинг фикри ҳам инобатга олинди. Улар ҳам боғда барчага бирдай қулайлик яратиш учун таклиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.



Таъкидлаш керакки, боғ ҳудудида «Шон-шараф» музейи ҳам бунёд этилмоқда. У ердан Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган ўзбекистонликлар ҳақидаги маълумотлар (видео, газета, сурат ва бошқа материаллар) ўрин олаяпти. «Ғалаба боғи» концепциясини яратиш вақтида бир қатор давлатларнинг шу турдаги боғлари – хиёбонларининг лойиҳалари ўрганиб чиқилди.

Боғнинг турли бурчаклари миллий анъаналаримизга мос айвонлар ҳамда интерактив маълумотлар улашувчи замонавий электрон қурилмалар билан жиҳозланмоқда. Шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ғалабага эришган 35 давлатнинг байроқ, герб ва хариталаридан иборат махсус майдончалар ҳам барпо этилаяпти. Тарихий муҳитни яратиш мақсадида ҳарбий мусиқалар жаранглаб, уруш даврига оид маълумотлар янграб туради.

Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ўзбекистонлик жангчиларнинг жасорати ва ғалабага қўшган ҳиссасини ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, яқинда Россия Федерацияси бош ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага катта ҳисса қўшган, мислсиз жасорат ва қаҳрамонликлар кўрсатган халқимизнинг ардоқли ўғлони генерал-майор Собир Умар ўғли Раҳимовнинг Россия Мудофаа вазирлиги марказий архивида сақланаётган шахсий йиғма жилдидаги зарур ҳужжатлардан нусхалар олиниб, тўплам ҳолида мамлакатимизга келтирилиши ҳам муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Тўпламнинг ноёблиги шундаки, ундаги ҳужжатлар генерал-майор Собир Раҳимовнинг ҳаёти ва фаолиятига доир юртимиздаги тарихий материалларни янги маълумотлар билан бойитади.

Шу нуқтаи назардан, бу қаҳрамон аждодимизнинг тарихини чуқур ўрганишга имконият яратиш мақсадида мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан «Ғалаба боғи» ҳудудидаги «Шон-шараф» музейига жойлаштириш учун ишчи гуруҳга топширилди.

Шунингдек, ҳарбий прокуратура Навоий вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда бу машъум урушда Навоий вилоятидан қатнашган ва айни пайтда тинч ҳаёт гаштини сураётган 28 нафар ветераннинг ҳаёт йўли ва жасорати ҳақида ишончли манбалар, архив ҳужжатлари ҳамда турли йилларда матбуотда ёритилган материаллар асосида китоб чоп этиш арафасида турибди. Бундай тадбирларни бошқа ҳудудлар бўйича ҳам амалга ошириш режалаштирилган.

Шу билан бирга, 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ҳозирги коронавирус пандемияси шароитида жорий этилган карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда уруш фахрийлари, шунингдек ҳарбий прокуратура тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, нафақага чиққан фахрийлар, уларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиш, зарур озиқ-овқат, дори-дармон, ниқоблар, шахсий гигиена ва антисептик воситалар ҳамда совғалар улашиш каби хайрли ишлар давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, хизмат вазифасини бажариш чоғида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар ёки ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиниб, уларга асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари беғараз етказиб берилаяпти.

Хулоса ўрнида айтганда, фидойи инсонларни эъзозлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Уларнинг жасорати бизни Ватанимизга, халқимизга садоқат ва матонат билан хизмат қилишга чорлайди. Зеро, инсон азиз, хотира боқийдир.

Генерал-майор Шухрат УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг ўринбосари
– Ўзбекистон Республикаси
ҳарбий прокурори

БУРЧГА САДОҚАТ

Ўйинбузиқилар ҳамиша топилади. Улар шундай ўйинбузиқики, бузилган қоида ўрнини ундирилган жарима билан ҳам қоплаб бўлмайди. Унинг товони қанчадан-қанча одамлар жонига тенг. Ҳа, айнан шундай. Агар газетамизни ўқишда мунтазамлик касб этган бўлсангиз, гап нима ҳақда кетаётганини дарров пайқадингиз. Гап...



ШОҲ СОХТА ЭКАН



Бугун онадек азиз, жондек мўътабар Ватанимиз, муҳтарам халқимиз Ҳақ таолонинг турли синовларини бошидан кечирмоқда. Аввалига коронавирус пандемияси дунё аҳлига қўшиб, халқимизнинг ҳам тинчлигини бузган бўлса, ундан кейин Бухоро вилояти кучли шамол оқибатида талафотга учради. Яқинда эса Сирдарё вилоятидаги кўнгилсиз ҳодисалар бутун диққат-эътиборимизни ўзига қаратди. Албатта, бу синовли кунлар ҳам ортда қолади. Халқимизнинг бирдамлиги, жипслиги, бир-бирига бўлган меҳр-мурувватини ёруғ кунлар сари дадил бошлаётган йўлчи маёқ бўлмоқда.

Карантин давом этаётган навбатдаги кунларнинг бири. Шаҳар анча тинчиб қолган. Машиналарнинг асабий сигнал чалишлари деярли қулоққа чалинмайди. Кўчада фақат махсус рухсатномага эга машиналаргина зарурат юзасидан ҳаракатланмоқда. Шундай бўлса-да, ҳушёрлик ҳеч қачон зарар қилмаган.

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Дадахонбой Тожиматов Ички ишлар вазирлиги ходимлари билан пойтахтимизнинг Яшнобод тумани Абдулла Қодирий кўчасидаги 2-постда ўз хизмат вазифасини ўтаяпти. Ҳаракатдаги ҳар бир машина постдан ўтаётганида синчиклаб текширилмоқда. Ҳайдовчининг карантин пайти автотранспорт воситасини бошқариши учун махсус рухсатномаси борми, ҳаракат давомида йўловчи ташимаяптими, ўзини тутишидан ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар аломати сезилмаяптими, хуллас, чумолининг кўзича келадиган жиҳатларга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Йўқса, оқибати яхшиликка етакламайди.

Чунки бир инсоннинг қанчалаб кишиларга инфекция юқтирганини матбуотда, ижтимоий тармоқларда ўқидик-ку! Албатта, хизматдаги киши фуқароларга инфекция тарқатувчи сифатида қарамайди. Аммо карантиннинг ўз талаблари бор. Уни бажариш ҳаёт давомийлигини таъминловчи вакцина кабидир. Пандемияни менсимаган давлатлар «ҳолига маймунлар йиғлаган», талабгорлар томон кўз тиккан.

Постда хизмат фаолиятини олиб бораётган куч тузилмалар ходимлари машиналар қатнови бироз камайганидан сўнг бир муддат енгил нафас олишди. Орадан кўп вақт ўтмай, яна бир нечта улов қаторлашиб навбат ҳосил қилди. Яна текширув, яна ҳушёрлик.

«Ие, мана бу машина ҳайдовчиси ўзимиздан экан-ку, ҳарбий! Қани, унвони қандай экан? Эҳ кўринмаяпти барибир...» ётқизилсин.



Оддий аскар Тожиматов одатига кўра, ҳар бир машина, унинг ҳайдовчиси, давлат рақамини диққат билан кузатади. Мана бу ҳамкасби ҳам эътиборидан четда қолмади. «Қандайдир ғалати...» кўнглидан ўтказди у. Ички ишлар вазирлиги ходимлари бу пайт «Spark» машинаси бошқарувидаги ҳарбий хизматчи билан тўғрима-тўғри вазиятга келган эди. Барибир бўлмади, Дадахонбойнинг кўнглидаги ғашлик ариши учун у бир иш қилиши керак. Секин «Spark» томон юриб борди-ю, вазиятни тушунгандек бўлди.

– Марҳамат қилиб ҳарбий гувоҳномангизни кўрсатсангиз, – деди оддий аскар Тожиматов.


Ҳеч нарсага тушунмаган Ички ишлар вазирлиги ходимлари секин бир-бирига қараб қўйди. Ҳайдовчининг ҳам одатий хотиржамлиги қаёққадир ғойиб бўлди-қолди. Чўнтакларини титкилайди, машина салонини кўздан кечиради, лекин ҳарбий гувоҳнома қурғур ҳеч топила қолмайди. Дадахонбойнинг гумони тўғри чиққанди. Ҳайдовчи ҳеч қандай ҳарбий хизматчи эмас эди. Унинг ўзини тутиши-ю, кийиб олган ҳарбий либосидаги камчиликлар буни сотиб қўйди. Ҳа, ҳушёр Ватан ҳимоячиси ўзига ўхшаган марднинг қадам олишидан танийди. Бу каби ҳарбий либосни ўйинга кийиб олиб, одамларни лақиллатаман, деб ўйлайдиган номардларни эса юзи сотиб қўяди ва эл ичра шарманда этади. Ҳарбий либос синовларда тобланиб, ҳақиқий Ватан посбони бўлган йигит эгнида лов-лов ёнади, мана бундай шармандалар билан эса ҳеч чиқиша олмайди.

«Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради» фильмидаги сохта шоҳ муаллиф сарказми билан вазиятдан осон чиқиб кетади. Фильм одамга чинакам завқ беради. Аммо бу мақоланинг муаллифи Михаил Булгаков эмас. Бизнинг «шоҳ» тутган йўл ҳам бутунлай бошқа. Шу боис сохталиклар ўртасидаги нозик фарқни англаш даркор.

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Исломжон ҚЎЧҚОРОВ, «Vatanparvar»

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

«МЕНИ БЕИЗ КЕТДИ ДЕМАНГ...»



«Бу менинг сўнгги хатим, сўнгги қалам тебратишим, сўнгги сўзим...

Мени йўқламанг, она. Мени беиз кетди ҳам деманг. Дунёда бундан кейин уруш бўлмаса, янги кўз очган боланинг ингалагани – ўша мен, бўй етган қизларнинг севги тўла ёниқ кўзлари – ўша мен, муаллимнинг болаларга биринчи ўргатган «а» ҳарфи – ўша мен, ўшанинг бари мен, ўшанинг бари мен, мен, деб билиб юринг, онажоним!

Йиғламанг, онажоним, ҳеч ким йиғламасин. Бундай ўлим учун ҳеч ким йиғламасин. Алвидо, мангуликка хайр, алвидо!.. Алвидо, чўққиларингдан айланайин, Ола тоғ!»

Бу кимнинг видо мактуби эканлиги ёдингизга тушдими? Ҳа, бу ўша мактуб, «Сомон йўли»даги, Тўлғанойнинг муаллим ўғли – лейтенант Майсалбек Сувонқуловнинг унга битган сўнгги мактуби. Ёдингизга тушган бўлса, шу китобни яна қўлингизга олинг, илтимос. Ёки ҳали ўқимадингизми? Негадир шу китобни ҳамма-ҳаммага тавсия қилгим келаверади.

Нега дейсизми? Унда қадрдон қиёфаларни кўраман. Болалигимда қулоқларимда қолган катталарнинг гаплари сатрлар қатидан чиқиб келаверади: *«Саҳардан то шом қоронғисига қадар ишлаб, бир дона лавлаги билан уйга қайтардик. Шуям ҳарна эди-да..» «Жангил момонинг эриям, ўғлиям урушда йўқ бўлиб кетишди.. Тағинам одамзот ғамга чидар экан, а?» «Чидагани қандай бўларди, бир тутам куюқдай юрибди-да...» «Ош авлиё, нон пайғамбар замонларни кўрдик, урушнинг номи ўчсин-ей».*

Улар айтаётган воқеалар кичкина бир қишлоқда бўлиб ўтган. Нари борса ўнта хўжалиги бор ё йўқ. Шунинг ҳам ўн бешдан зиёд эркаклари фронтда! Бедарак кетганлари, ҳалок бўлганлари қайтганларидан кўп.

Келинг, мавзуга қайтайлик. Бугун Чингиз Айтматовнинг «Сомон йўли» ҳақида гаплашамиз. Мени буюк адибнинг миллати ҳеч қачон қизиқтирмаган. У менинг ёзувчим бўлган, қирғиз тилидами, ўрис тили ёки ўзбек тилидами, асарлари бирдек севимли, қадрли.

Қишнинг сўнгги кунларида қаршилик уруш қатнашчисининг хонадонида бўлдик. Уруш йиллари беш ака-ука ҳарбий хизматга олинган экан. Келин-кепчик йигитларнинг онаси билан қолди... Уларнинг биргинасига насиб этди қайтиш.

«Сомон йўли»да ҳам шундай аёлларни кўрдим, танидим.



Чингиз Айтматов асарларини ўқиш кишига қанчалар ҳузур бағишлашини биласизми?! Сиз Айтматов оламига кириб борасиз. У биргина адибнинг эмас, лаҳзалар ўтмай сизнинг ҳам оламингизга айланади. Аниқ-тиниқ чизилган қиёфалар, тақдирлар, оғриқли кечинмалар... Адиб фронт орти ҳаётини ўз кўзлари билан кўрган эди. Фронтдан келган қорахатларни эгаларига ўз қўллари билан топширган эди. Одамлар дарди билан яшай бошлаган бўлғуси адиб ўшанда 14-15 ёшларда эди.

Унинг қаҳрамонлари – аёллар ҳақида бироз тўхталсак. Улар олами шу қадар маҳорат билан ёритилганки, ҳайратга тушасиз. Мен қисса ҳақида кўп гапириб, ўқувчида мутолаа завқини сўндириш фикридан йироқман. Бирозгина Тўлғаной ва унинг келини Алиманга эътиборингизни тортиш ниятидаман.

Тўлғанойнинг уч ўғли бор эди. Учаласи ҳам урушдан қайтмади. Ҳатто сочларига оқ оралай бошлаган эрига ҳам уруш шафқат қилгани йўқ. У ҳам қайтмади.

Адиб Алиманни улкан меҳру муҳаббат билан яратган. Алиман эри Қосимни беҳад севарди. Садоқат... билан кутарди. Уруш тугади. Аммо... Ҳаёт давом этарди. Бир куни жангчининг беваси чўпон йигит билан... Жангчининг беваси-я?! Асарнинг қиммати, ёзувчининг маҳорати шундаки, сиз уни ёмон кўриб қолмайсиз, унга таъна қилиш хаёлингизга ҳам келмайди. Алиман юкли бўлиб қолди. Бу юкнинг қувончидан қайғуси мўлроқ. Чунки ўртада номус бор эди.

Тўлғоқ азобини чекаётган Алиманнинг ноласи тошни ёрай дейди.

Ўқиймиз: *«Тўхтанглар. Ўляпман. Тўхтанглар», – деди. Аравани тўхтатдик. «Бошимни қаттиқроқ босинг, эна», – деб энтикиб йиғлаб гапирди. «Эна, энажоним! Ичим куйиб, ўлиб боряпман, тирик қолмайман. Хосиятингиздан айланайин, энажоним, у дунё, бу дунё розиман сиздан. Ўғлингиз қаршисида мен покман, гуноҳим йўқ. Қосимнинг кўзи тирик турганда мен шундай бўлармидим... А-а-а, Қосим-ей... Мен ҳам жони бор одам эмасманми, аёлман-да... Бу дунёнинг роҳатини кўрмай кетдим, қандай қилайин, қандай қилайин. Кечиринг, кечиринг, энажон, Худо шу кўйга солди, ёмон кўрманг».*

Бу унинг тазарруси эмас аслида. Бу урушга лаънатдир!

Энди Тўлғанойнинг ҳолатидан **ўқиймиз:** *«Алиман бир ёқда қичқириб жон талашиб ётса, тавба, қулоғимни тиндириб, тағин ўша эшелон: бир-бирига улашган икки паровоз олиб учган вагонлар миямни қоқ ёриб ўтиб бораётгандек туюлди... «Она-а, Алима-ан!» – деб шамол олиб қочган ҳайқириқ товушга чақалоқнинг «инг-га-а!» деган товуши қўшилди... Эҳ, ҳаёт-ей, нега бунча бераҳм бўлдинг, нега бунча кўр бўлдинг? Бола ҳам тушди. Алиманнинг жони ҳам чиқа бошлади...*

Шундай қилиб, уруш энг охирги ўчини олиб тинчиди. Ўша кунги босилган йўл ҳаётимдаги энг оғир йўл бўлди».

Онанинг қулоқларини тиндириб, шовқин солиб ўтадиган эшелон қандай эшелон эканлигини билишни истайсизми? Билишингиз керак! Бу эшелон... Онага ўғли ўрнига темир изларни қучтирган даҳшатли урушдир! Буни англамоқ учун қиссани ўқиш керак.

Яна **ўқиймиз:** *«Овулга кираверишдаги ҳали янги кўча деганимиз кўзимга аллақандай совуқ, аянчли кўринди... Қосимларнинг чорбоғига қарасам, Алиман икковларининг орзу-тилакларига ўрнатилган ҳайкалдек уюлган тош тепа, аллақачон тупроққа айланиб кетган ғиштларнинг унутилиб ётгани юрак-бағримни эзиб юборди. А-а, қарағларим, орзуларингга етмай қолдиларинг-ку, деб аравада ётган Алиманнинг афтига қарасам, юзи оппоқ бўлиб, дунёнинг ҳамма яхши, ёмонига рози бўлгандек тинчиб, кўзи юмилган».*

Ҳа, уруш ана шундай оппоқ орзуларнинг, тақдирларнинг заволидир.

Азиз ўқувчи, адибнинг деярли барча асарлари она тилимизга чеврилган. Бу буюк хазинадан баҳраманд бўлинг. Жавонингизни яна бир жавоҳир билан тўлдиринг. Агар бу жавоҳир мавжуд бўлса, яна бир бор варақлаб кўринг.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

ТАРИХ ВА ҲАҚИҚАТ

НКВДнинг МАХФИЙ БУЙРУҒИ

шўро салтанатининг «мурувват»миди?

> Ҳар йили 9 май санаси яқинлашса, болалик хотираларимда хира тортган воқелик хаёлдан «лип» этиб ўтади. Мактабимизга уруш қаҳрамонлари келарди. Улар бизга – октябрят, пионер ва комсомолларга фашистларга қарши қандай жанг қилганини айтиб берарди. Биз у қаҳрамонларга ҳавас қилардик. Ёғоч милтиқ ясаб уруш-уруш ўйнардик. «Фашист»ларни қувардик.



УРУШНИНГ АЙБСИЗ АЙБДОРИ

Мактаб яқинида яшайдиган бир уруш қатнашчисини эса ҳеч ким йўқламасди. Янгиберди бобо дердик уни. Адашмасам, фамилияси Саидов эди. Тадбирларга таклиф этилмасди. Ўзи яшайдиган колхоз ҳудудидан четга чиқмасди ҳам. Биз қизиқувчан болаларга ҳеч ким ҳақиқатни айтмасди. Оғзимизни ёпишарди.

Ҳар хил гап-сўз юрарди. Биров хиёнат қилган деса, яна биров асир тушган, дерди. Уруш қилмасдан хиёнатчи рус генерали Андрей Власов туфайли асирга тушган, деганлар ҳам бўларди. Асирликдан қочиб, юртга қайтгани, сўнгра қамалгани ҳақида ҳам пичир-пичир қилишарди. Аммо элнинг барча маъракаларига бобони айтишарди. Яхши-ёмон кунларда бирга бўларди.

Болаларча тасаввуримда унга ачиниш ҳисси қолган. Урушни бизга эртакдек сўзлаб бергувчи боболар ҳам у ҳақда ёмон сўз демасди. Тузум бундайларга «юзи»ни тескари бурса ҳам одамларда оқибат бор эди. Гарчи уруш кинолари, асарлари бизга бундайларни хоин, хиёнаткор сифатида талқин этиб, миямизни заҳарлаган бўлса-да, мен учун Янгиберди бобо ҳам ғалабага ҳисса қўшган қаҳрамон.

Урушнинг айбсиз айбдори. Юрагини тузумнинг «ўқи» илма-тешик қилган банда. Ҳеч кимга озори тегмайдиган, айби бор кишидек қимтиниб юрадиган ота билан суҳбатлашмаганимга афсусланаман. Тузум уни яккамоховдай ажратганини кейин англаганман. Сирларини ўзи билан олиб кетди.

Халқимиз орасида бундай жабрдийдалар қанча бўлган экан? Улар номи «Хотира» китобига кирганми? Ҳеч бўлмаса руҳини шод этиш учун тарихий ҳақиқатни тиклаш керакмикан?

ҚОНЛИ КЕЛИШУВ

Бу саволларни беришимга асос бор. Фидойи олим, профессор Рустамбек Шамсутдинов билан тарихнинг «доғи» бор саҳифасини варақлаймиз. Яъни карантин пайтида олимнинг «Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари» номли китобини кўздан кечирдим. Илгари ўқиганман. Мени ўйлантирган жойларини топдим. Бу «қулоқ», «бандит», «халқ душмани» ва бошқа тамғалар билан сургун қилинган ватандошларимизнинг фашизмга қарши қон тўккани билан боғлиқ саҳифалар.

Шу ўринда қулоқ, қулоқлаштириш масаласини эсга олиб ўтсак. «Қулоқлар» (рус. кулачество — муштумзўр) — мустабид совет режимининг бадавлат ва ўрта ҳол деҳқонларни қишлоқ буржуазияси сифатида тугатиш сиёсати (1929 - 1933) ўйлаб топган чўпчак. Ўрта Осиёда ер-сув ислоҳоти ўтказилиши жараёнида қишлоқлардаги бадавлат хонадонларни «муштумзўр» («қулоқ») сифатида бадарға қилиш бошланган. Бу ислоҳот давридаёқ 28 минг йирик ва ўрта мулкдорларнинг хўжаликлари тугатилган ва уларнинг ерлари мусодара қилинган эди. Чўққисоқол «доҳий» қулоқларни ўргимчакка, зулукка ўхшатиб, меҳнаткашларнинг қонини ичиб бойиган қонхўрлар, дейди. Демак, «муштумзўр»ларни маҳв этишни, синфий душман сифатида йўқ қилишни октябрь тўнтариши раҳнамосининг ўзи бошлаб берган. Улар кимга душман эди? Партиягами, унинг сиёсатигами, шўро давлатигами?

НКВД (Ички ишлар халқ комиссарлиги)нинг 1942 йил 22 октябрдаги 002303-сонли буйруғи. Ўта махфий гриф қўйилган. Бу «қулоқ» тамғаси босилган аскарларга шўро салтанатининг «мурувват»и эди. Яъни урушга жалб этилган «қулоқ»лар ҳам одам қаторида кўрила бошланди. Буйруқ билан тамға олиб ташланди.

Ажабо, синфий душманларга Сталин қурол берди. Чўчимади. Аслида дўппи тор келганди. Воқеа шундай бошланади. НКВД 1942 йилнинг мартида меҳнат сургунидагилардан 100 мингини армияга чақириш бўйича давлат мудофаа қўмитасига таклиф беради. Профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг ёзишича, 1942 йил 11 апрелда қўмитанинг махсус қарори билан «қулоқ»лар урушга сафарбар этила бошланади. 1942 йил июнь ойигача 50 минги муҳораба оловига ташланган. «Доҳий» бироз чўчигани учун 100 минг кишига етмади. 11 апрелдаги қароргача ҳам сургундагилардан 3 218 нафари қисман урушга жалб қилинган экан. Бироқ улардан 901 нафари кадрлар бўлимига, 2 317 таси эса махсус қурилиш батальонларига. Кўриниб турибди, ишонишмаган.

Шўролар сиёсатидаги маккорликни қаранг. «Қулоқ» тамғасини олиб ташлаб, эркин фуқаро мақомини бериш эвазига келишув. Қонли келишув. Шайтон муҳр босган келишув. Душманга сотилиб кетмаслиги, қуролни советларнинг ўзига қаратмаслиги учун ҳийла эди бу.

Бу мурувватга қон, жон эвазига раҳмат айтилиши керак. Секин айтасизми?! Тирик қолса, туғилиб ўсган юртига қайтади. Ҳуқуқлари тикланади. Ҳеч ким уларни «душман» демайди. Қандай бахт?!

Тарози палласига нозик масала қўйилган эди. Мантиқан фикрлаб кўрайлик. Улар юқоридаги саволларда қўйилганидек, халққа, давлатга, партияга душман бўлганида, тиш-тирноғи билан шўроларга қарши бўлганида қўлига қурол бериб қўярмиди, мўйлабли «доҳий»? Ахир кейинчалик бу қўшин 75 мингдан ошган. Шунинг ўзи ҳам «қулоқ» тамғаси уларни қул қилиб ишлатиш, орттирган бир-икки тангасини йўқсилларга деган баҳона билан ўмариш учун ўйлаб топилган усул эканининг исботи. Аслида «қулоқ» – муштумзўрнинг каттаси ким эканини англагандирсиз.

МУҲОРАБАГА УКРАИНАДАН ЖЎНАГАН ЎЗБЕКЛАР

Мантиқни тинч қўяйлик. Фактлар сўзлай қолсин.

Рустамбек Шамсутдиновнинг маълум қилишича, Иккинчи жаҳон уруши арафасида Украинада 15 мингдан ортиқ ўзбек «қулоқ»лари бўлган. Асосан Херсон вилоятининг Скадовский, Каховский ва Голопристан туманларида қулларча ишлатилган. Урушнинг дастлабки ойларида фашистлар Украинага яқинлашиб қолди. Шу сабаб Херсон вилоятидаги ўзбек «қулоқлари» ҳам фронтга ташланади. Олим китобида улардан 162 нафарининг номини аниқлаганини келтирган. Аслида рақам бундан анча катта. Маълум бўлишича, улардан 144 нафари қаҳрамонларча ҳалок бўлган, 18 нафари бедарак йўқолган.

Айримлари Германиягача жанг қилиб боради. Масалан, Абдулхай Холиқов 121-гвардиячи ўқчи дивизиясининг 340-гвардиячи ўқчи полкида мардонавор курашади. 1945 йил 16 мартда Германия тупроғида ҳалок бўлади. Германиянинг Зарев шаҳрида дафн қилинган.

Тошкентлик Назир Ҳайитметов. 1929-ўқчи дивизиясининг 196-тиббий-санитария батальонида старшина бўлиб хизмат қилган. 1945 йил 26 январдаги жангда 25 ёшида ҳалок бўлади. Германиянинг Оттерсберг шаҳрида дафн этилган.

1945 йилнинг 17 мартида ҳалок бўлган Мирзаазим Абдураимовнинг хоки эса Венгрия тупроқларида қолади. У 86-Николаев ўқчи дивизиясининг 260-гвардиячи ўқчи полкида жанг қилганди. Ғалабага бир қадам, ярим қадам қолган. Ортга чекинмасдан, шоир айтганидек, «ўлимларни қолдириб доғда» мардларча жанг қилган.

Уларнинг темир тақинчоқлар олган ёки олмагани ҳақида маълумот учратмадик. Ахир уларга энг катта мукофот қони эвазига тамғани ювиш эди. Инсонпарвар, адолатпарвар тузумнинг маккорона келишуви шундай эди. Ўзлари ҳалок бўлса, қариндошлари эркин яшаш ҳуқуқини қўлга киритади.

МАЗЛУМЛАР ҒАЛАБАСИ

Бироз янглишибмиз. Адолатсиз тузумнинг жабрини тортган бўлса-да, пешонасига «қулоқ», «синфий душман» тамғаси босилган ўзбек ўғлонлари фашизмга қарши мардонавор курашиб, орден, медаллар ҳам олишган. Масалан, Херсондан урушга сафарбар этилган Азим Мажнуновни олайлик. 2-пахтачилик совхози 1-бўлимида ишлаган. Урушдан «Қизил Юлдуз» ордени ва «Жасорати учун» медали билан қайтган.

Ёки ўқитувчи Ўринбой Мадраҳимовни олайлик. Икки марта «Жасорати учун» ва бир марта «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланган. Йўлдош Болтабоев «Жасорати учун» ва 2 марта «Жанговар хизматлари учун» медали, Мансур Мирзашарипов эса 2 марта «Жасорати учун» медалини олган.

Шунингдек, Мадамин Ботиралиев «Жанговар хизматлари учун», Райимжон Сайфитдинов, Абдуқодир Тожибоев, Ҳалимжон Шоҳимардоновнинг кўксига «Жасорати учун» медали тақилган. Ноҳақ жабрланган, хўрланган, ҳақоратланган бу инсонлар зулмга садоқат билан жавоб беришган.

Қолаверса, ўзлари сургунда бўлган Херсон вилоятини фашистлардан ҳимоя қилиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар ҳам кам эмас. Масалан, асли Фарғонанинг Бағдод туманидан бўлган Холмат Зокиров 106-ўқчи дивизиянинг 534-ўқчи полкида жанг қилади. 1941 йилнинг октябрида мардларча ҳалок бўлади ва Херсон вилояти, Голопристан туманига дафн этилади. Бундай ҳамюртларимиз рўйхатини давом эттириш мумкин. Лекин гап яна мақола аввалида қўйилган саволга бориб тақалади. Хотира китобларида, хотира майдонларимиздаги ёдгорликларда улар номи битилганми? Балким Президентимиз ташаббуси билан пойтахтда бунёд этилаётган «Ғалаба боғи»да улар хотирасига нимадир қилинаётгандир?!

Тарих – улкан мураббий. Тарози палласини ўзи тўғрилаб қўйди. «Қулоқлар» чўққисоқол ва унинг гумашталари айтганидек, қон ичувчи «вампир» эмас экан. Ғалаба аслида мана шу мазлумлар томонида бўлди. Негаки, улар нафақат фашизм, балки яна бир қўрқинчли «изм» маккорона сиёсати устидан ҳам ғалаба қилишганди.

Алижон САФАРОВ

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ЖАНГЧИ, ШОИР, ҚАҲРАМОН

«...Азиз ва қадрли дўстим, Обиджон. Дўстингиз ҳозир Ғарбий Украинада. Руминия ва Польша чегарасига саноқли километргина бор. Ҳозир фронтга одамларни тайёрлаяпмиз. Фронтнинг ўзи биздан 10 – 15 километр узоқликда. Тўп овозлари келиб туради. Немис қушлари ҳар куни бош устида «парвона».

Қўшинларимиз Руминияга ўтдилар. Насиб бўлса, яқинда ғаним тор-мор бўлади. Ўлмасак, кўришармиз. Бу лаънати кунлар бахтли келажакнинг ҳазин эртаги бўлиб қолар. Қолган сўзлар дийдорга қадар, кўришишга боқадир. Сизга абадий бахт тилаб, салом ила Бурҳон.


Украина. 7.04.1944 йил»



Лейтенант Бурҳон Турсунов мактубида ният қилганидек, Иккинчи жаҳон урушида тарихий ғалаба қозонилди. Аммо унга она юртига қайтиш насиб этмади. Музаффар кунлар яқинлашиб қолган пайт – 1945 йилнинг 12 апрелида Берлин учун кечган шиддаткор ва оловли жангларнинг бирида қаҳрамонимиз 29 ёшида мардларча ҳалок бўлди. Бироқ ундан Ватан учун фидойилик, қаҳрамонлик намунаси ва ноёб поэзия дафтарчаси мерос қолди.

1916 йили Нуробод туманидаги Жом қишлоғида туғилган Бурҳон Турсунов мактабда ўрта маълумот олгач, 1933 йили ҳозирги Самарқанд давлат университетининг Филология факультетига ўқишга кирди. Бу даргоҳда у Шароф Рашидов, Асқад Мухтор, Амин Умарий, Ўткир Рашид, Назармат каби умидли ёзувчи ва шоирлар билан бирга таълим олди. Зеҳни ўткир, тиришқоқ талаба поэзияни севгани учун адабий машғулотлар, қизғин мушоира ва мунозараларда фаол қатнашди.

– Мен дорулфунунда Бурҳон билан бирга, бир гуруҳда таҳсил олганман, – деб ёзади ўз хотираларида қаҳрамонимизнинг курсдоши, тилшунос олим Ҳамдам Бердиёров. – У классик ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини тинмай мутолаа қилар, ўзи ҳам поэтик асарлар ёзарди. Ёш шоир ўзининг бутун борлиғини бадиий асарлар яратишга ва ёш авлодни билимли қилишга бағишлаш ниятида эди. Аммо у орзусига ета олмади. Уруш бошланиши биланоқ, Каттақўрғон туманидаги ўқитувчилик ишини ташлаб, кўнгилли равишда Ватан мудофаасига отланди. Ватанпарвар шоир ўша жанговар дамларда ўзининг Ватанга бўлган муҳаббатини, душманга нафратини ашъорларида ифодалади.



Оғир жанг-жадалларда ҳам у ўз қаламини ташламади, жанговар шеърлар яратди, ғалабамизнинг муқаррарлиги ҳақида бонг урди. Шоирнинг назм дафтарида она Ватан, дўстлик, биродарлик ҳақида самимият билан ёзилган туркум шеърлар бор. Улардан бир қисми 1961 йили «Ёдгор» номи билан яхлит тўплам ҳолида нашр этилган.

Ёвқурлиги, жасорати, қаҳрамонлиги учун I даражали «Шуҳрат» ордени ва кўплаб медаллар билан тақдирланган Б. Турсунов Киев, Тернополь, Житомир, Бело-Церков, Винница, Каменец-Подольский, Проскуров, Львов, Перемишил, Краков, Берлин ва бошқа шаҳарлар учун олиб борилган жангларда қатнашган. Якуний ғалабага бор-йўғи 27 кун қолганда 29 баҳорини қаршилаган Бурҳон 1945 йил апрелида Берлиннинг шарқи-жанубидаги тепаликда душман дзотини портлатиш учун белига саккизта минани боғлаб, уни биринчи бўлиб чиқиб портлатди ва ўзи шу онда мардона ҳалок бўлди. Берлин яқинидаги Зеелов шаҳри асосан тепаликлардан иборат бўлиб, уни ишғол этишда қарийб 32 минг аскар қурбон бўлган. Ниҳоят, 27 апрель куни Зеелов шаҳри ҳудуди, бинолари тўлиқ совет аскарларига ўтди.



Бўз йигит урушда қон кечиб, шеърлар ёзди, олис юртларда Ватан деб жон берди. Шоир севган Саломат исмли қизнинг қалби эса севгилиси билан Германия тепаликларида қолди. Чунки у ҳеч қачон бошқа инсонга кўнгил бера олмай, бир умр Бурҳоннинг ёди билан ўтди. Жангчи шоирнинг қабри Германияда бўлган, урушдан кейин ушбу қабрлар Польша ҳудудига қайта дафн этилган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган жомлик йигитнинг хоки Польшанинг Новая Цереквя деган қабристонидан ўрин олган.

Халқимиз ўзининг мард ва қаҳрамон фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. Жангчи шоир, қаҳрамон Бурҳон Турсуновнинг номини абадийлаштириш, порлоқ хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида Жом қишлоғидаги 22-умумтаълим мактабига унинг номи берилган. Мактаб ҳовлисида қад ростлаб турган салобатли бюст ватанпарвар шоирнинг мангу тириклигидан далолат бериб турибди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ИБРАТ

ҲАР БИРИДА БИР ЭЛ ИЗЗАТИ

Мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни бу йил фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллик санаси билан бирга келмоқда. Вақт бизни 1941 – 1945 йиллардаги ўша даҳшатли уруш суронларидан тобора олислатиб кетмоқда. Лекин унинг хотираси умр ўтгани сайин юрагимизга яқин келмоқда. Чунки ўша ёркин хотиранинг тирик тимсоли бўлиб яшаётган, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, уруш орти фронтининг фахрийлари орамизда саноқли.



Мамлакатимизда кексаларимиз, уруш ва меҳнат фахрийларига юксак эътибор кўрсатилмоқда. Ҳар бирида бир элнинг иззати, салобати бўлган бу кексаларимиз доимо эъзозда.

Муҳтарам Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги Фармонига биноан, Хотира ва Қадрлаш куни – буюк Ғалабанинг 75 йиллиги олдидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 10 миллион сўм миқдоридаги бир маротабалик пул мукофоти берилди.

Ҳозирги кунда вилоятимизда 42 нафар уруш фахрийлари истиқомат қилишмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 апрелдаги «1941 – 1945 йиллардаги уруш фахрийларини, шунингдек, фашистлар концлагерларининг воясига етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 317-сонли қарори асосида уларнинг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш устувор вазифалардан этиб белгиланган. Шу кунгача вилоят ҳокимлиги, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, мудофаа ишлари бошқармаси, жамоатчилик кенгаши вилоят минтақавий бўлинмаси ҳамкорлигида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийларимиз, кексаларимиз хонадонларига мунтазам равишда борилиб, улар ҳолидан хабар олинмоқда. Шу билан бирга, уларга 15 хил турдаги 9 975 000 сўмлик озиқ-овқат ҳамда гигиеник товарлар жамланмаси етказиб берилди.

Куни кеча вилоят ҳокимлиги маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси раисининг кексалар ва фахрийлар бўйича ўринбосари, сенатор Орзуқул Соатов, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи подполковник Бахтиёр Бекмуродов ва бошқа бир гуруҳ фаоллар Денов туманидаги Абдураҳмон Жомий маҳалласида яшовчи Досек Мередов, Оққўрғон маҳалласида яшовчи Йўлдош Холматов, Ёшлик маҳалласида яшовчи Нурмат Чориев каби уруш фахрийлари ҳолидан хабар олишди. Юқорида рўйхати келтирилган озиқ-овқат ва гигиеник воситалар етказилди.

– Президентимизнинг юксак эътибори боис карантин даврида ҳам қийналмаяпмиз, – дейди Нурмат бобо Чориев. – Вилоятимиз фаолларининг ҳолимиздан хабар олиб туришлари эса нур устига нурдир. Тилагимиз ҳеч қачон уруш бўлмасин, саховат қуёши мўл-мўл нур сочиб турган она Ўзбекистонимиз ҳамиша тинчлик-осойишталикда равнақ топаверсин, Президентимиз омон бўлсин.

Файзу барака фаришталари бўлмиш азиз кексаларимизнинг дуоларига биз ҳам қўшилдик.

Ҳанифа ХОДЖАЕВА,
Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши Сурхондарё вилояти минтақавий бўлинмаси масъул котиби

БИЛАСИЗМИ?

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ
қисқа фактларда



• 1939 йилдан 1945 йилгача бўлган вақт давомида собиқ Иттифоқ аскарлари жанг майдонларига 3,4 миллион тоннага яқин бомба ташлаган, бу ҳар бир ойга ўртача 27 700 тоннага тенг келади.



• 1923 йилда туғилган совет эркакларининг 80 фоизи уруш туфайли вафот этган.



• Кўплаб тарихчилар Сталинград (1942-1943) жангини нафақат тарихдаги энг қонли уруш (800 мингдан 1,6 миллион нафаргача киши ҳалок бўлган), балки Иккинчи жаҳон урушида Европада бурилиш нуқтаси бўлган тўқнашув деб ҳисоблайди.



• 1935 йили инглиз муҳандиси Роберт Уотсон-Уатт душман самолётларини радио тўлқинлари ёрдамида йўқ қила оладиган «Ўлим нури»ни ишлаб чиққан эди. Унинг ихтироси кейинчалик радар ҳамда радиолокацияга айланган.



• Ленинград қамали пайтида ҳалок бўлган рус ҳарбийлари ва тинч аҳоли вакиллари сони бутун уруш давомида ўлган америкалик ва инглиз аскарларидан кўпроқ эди.



• Арденнес жанги Америка Қуролли Кучларининг энг катта ва энг даҳшатли тўқнашуви эди. Бунда 80 мингдан ортиқ америкалик аскарлар қурбон бўлган.



• 1940 – 1945 йиллар давомида АҚШнинг мудофаа бюджети 1,9 миллиард АҚШ долларидан 59,8 миллиардгача ошган.



• 1941 йилда Америкада одамларнинг ойлик иш ҳақи 21 доллар эди. 1942 йилда эса бу кўрсаткич 50 долларга кўтарилган.



• Немис сув ости кемалари 2 000 та собиқ Иттифоқ кемаларини чўктириб юборган ва 781 денгиз ости кемасини йўқ қилган.



• Уруш даврида 650 мингдан ортиқ «Жип» машинаси ишлаб чиқарилган. Америка фабрикаларида 300 минг ҳарбий самолёт, 89 мингта танк ва 3 миллионта автомат тайёрланган эди.



• Дунёда яратилган энг кучли артиллерия қуроли айнан Иккинчи жаҳон урушида ишлатилган. Унинг бош конструктори эса Карл Беккер бўлиб, кейинчалик у қурол айнан ихтирочининг номи билан «Карл» дея аталган.



• Уруш Европанинг қудрати пасайишига олиб келди, жаҳон қудратининг маркази сифатида АҚШ ва Россия номи тилга олина бошланди. Бу совуқ уруш ядровий асрнинг бошланиши учун шароитлар яратган сабаблардан бири эди.

Манбалар асосида
Ш. НИШОНОВА тайёрлади.

ТАРИХНИНГ ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

ШЕРДЕК ЖАСОРАТЛИ ЖАНГЧИ

Яқин-яқинларгача биз фақат фильмлардагина кўрган «СМЕРШ» (Смерть шпионам жумласининг қисқартирилган кўриниши) ва НКВДнинг махсус бўлинмалари, уларнинг фронтдаги фаолияти ҳақида кенгроқ маълумот олиш имкониятига эга эмас эдик. Айниқса, бундай махсус бўлинмалар сафида ўзбек жангчилари ҳам хизмат қилганлиги, эндиликда улар кўрсатган жасорат ҳамда қаҳрамонликлар тарихини ўрганишга барча шароитлар яратилаётгани қувонарли ҳолдир.



Иккинчи жаҳон уруши йилларида Совет армияси таркибида душманга қарши курашда «СМЕРШ» ва НКВДнинг махсус бўлинмаларида кўплаб юртдошларимиз ўз қаҳрамонликлари билан фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган. Фронтда контрразведка фаолияти билан шуғулланган бу икки ташкилот бўлинмаларига чет тилини мукаммал биладиган, ўта юқори жисмоний кўрсаткичларга эга бўлган, махсус тайёргарлик курсларида тажриба орттирган шахслар хизматга олинган. Иккинчи жаҳон уруши даврида ўта муҳим топшириқларни бажарган ва ўзига хос нуфузга эга бўлган «СМЕРШ» бўлинмаларида ўзбек жангчилари ҳам хизмат қилганлиги ўзбекистонлик кадрларнинг тажрибаси ҳамда салоҳиятидан далолат беради. Ғалабанинг 75 йиллиги арафасида улар томонидан кўрсатилган қаҳрамонликлар тарихига қисман бўлса-да назар ташлаш мақсадга мувофиқ.

1934 йилда ташкил топган НКВД (Народный комиссариат внутренних дел) ва 1943 йил асос солинган «СМЕРШ» урушда немис фашистлари фойдасига жосуслик қилган хоинларга қарши кураш олиб борган. Ана шулардан бири Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани Янгибозор қишлоғида туғилган Азизов Аҳмад Маҳамаджоновичдир. Онасидан эрта айрилган, бунинг устига ўша даврдаги оғир турмуш шароити ёш Аҳмаджонни метин иродали ва интилувчан қилиб тарбиялади.

Тақдир тақозосига кўра, 1930 йил оиласи билан Тошкентга кўчиб келган Аҳмад Азизов пойтахтдаги 122-мактабни аъло баҳолар билан тамомлади. Ўша пайтда уруш кетаётганлиги сабабли аввалига Каттақўрғондаги Гомель ҳарбий пиёда қўшинлари билим юртига ўқишга жўнатилади. Билим юртидаги тўрт ойлик таҳсилдан кейин август ойида Волхов фронти 19-гвардия ўқчи дивизияси 61-гвардия ўқчи полки сафига жўнатилди. Ҳарбий қисмга келган дастлабки кунларданоқ жанговар топшириқни аъло даражада бажарганлиги учун ташаккурномага сазовор бўлади. Катта лейтенант Орлов томонидан берилган маълумотномада шундай дейилади: *«Жангчи Аҳмад Азизов хизмат бурчини бажариш чоғида 9 – 12 февраль кунлари ўзига топширилган жанговар вазифани сидқидилдан бажариб, бу борада қуролдошларига жасорат ва матонат намуналарини намоён қилди...»* Ана шундай ҳарбий интизом ва иродаси билан Ленинград остонасида фашист босқинчиларига қарши аёвсиз кураш олиб борди. Шу жангларнинг бирида яраланди ва ноябрь ойигача дала госпиталида даволаниб, яна жанговар сафга қайтди.

Соғлиғи тикланганидан сўнг Волхов фронти 2-Зарбдор армиясининг 152-захира ўқчи полкида фашист босқинчиларига қарши курашни давом эттирди. 1943 йилда жангларда тажрибаси ошган ўзбек сержанти 20-гвардия миномётчи полкининг 210-гвардия миномётчи дивизиони тўп командири этиб тайинланди. 1943 йил март ойидан 1945 йил ноябрь ойигача 2-Белоруссия фронти ва Ленинград фронти 2-Зарбдор армияси Давлат хавфсизлиги халқ комиссариати ҳарбий мафкура бўлинмаси назоратчиси лавозимида фаолият кўрсатди.

Жангларда кўрсатган жасорати ва матонати туфайли «Қизил Юлдуз» ордени, «Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Ленинград мудофааси учун», «Жанговар хизматлари учун», «Ҳарбий жасорати учун» медаллари билан тақдирланди. Ленинград, Латвия, Литва, Эстония, Польша ва Кеннисбергни фашизм зулмидан озод қилишда қатнашди ва буюк ғалабани Берлинда кутиб олди. Урушдан кейин 1948 йилга қадар ўз вазифасида хизматни давом эттирди. Ўзбекистонга қайтиб келган Аҳмад Азизов Анастасия Абдуллаева билан салкам ярим аср давомида фаровон турмуш кечирди.

Аҳмад Азизов урушдан кейин Давлат хавфсизлик олий мактабида ўқиб, ўз фаолиятини давом эттирди. ДХҚ ходими сифатида полковник даражасига кўтарилган Аҳмад Азизов 1985 йилга қадар Бухоро, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари бошқармаларида ва Республика маҳкамасида контрразведка ҳамда кадрлар бўлимларида самарали меҳнат қилди. Кейинчалик эса Давлат хавфсизлик қўмитасининг ҳукумат раҳбарларини қўриқлаш 9-бўлимининг Ўзбекистон бўйича бошлиғи лавозимига тайинланди. Ушбу лавозимда полковник Аҳмад Азизов Совет Иттифоқи Қаҳрамони Боис Эргашев билан биргаликда ўзбек халқининг атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовнинг хавфсизлигини таъминлашдек муҳим вазифаларни бажарди. Ўз вазифасини сидқидилдан ва виждонан бажариш кўникмасини намойиш этган қаҳрамонимиз Шароф Рашидовнинг хориж хизмат сафарларига ҳамроҳлик қилди. Собиқ Иттифоқ ДХҚнинг Ўзбекистон бўйича бўлимларида маҳаллий кадрларнинг салоҳиятини намоён қилган ҳолда «I ва II даражали бенуқсон хизматлари учун» ва бошқа бир қатор медаллар билан мукофотланди. Бу соҳада кўплаб тажрибали шогирдларни тарбиялаган, фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган Аҳмад Азизов 2011 йилда вафот этди. Бутун умрини юрт ҳимоясидек муқаддас бурчга сарфлаган ўзбек халқининг шундай қаҳрамонларининг ҳаёт йўли бугунги кунда ҳар бир инсон учун намуна бўлишга арзийди.

97 ёшни қаршилаган Анастасия хола турмуш ўртоғининг «Ҳарбий жасорати учун» медали билан тақдирланиш тарихини сўзлаб берди. Жанглардан бирида сержант Азизов окопда яшириниб турган душман устига шердай ташланган ва уни пўлатдек мустаҳкам панжалари билан бўғиб ўлдирган. Фашист босқинчисининг бўйнидан юлиб олинган хочни Анастасия Абдуллаева турмуш ўртоғининг жасорати намунаси сифатида сақлаб келмоқда. Фронт орти фахрийси, банк тизими соҳасида 54 йил фаолият кўрсатган онахон урушда бедарак йўқолган укаси Юсуф Абдуллаевнинг фронтдан жўнатган ягона хати ва Аҳмад Азизовдан қолган хотиралар билан яшаб келмоқда.

Давлат хавфсизлик қўмитаси полковниги Аҳмад Азизов ҳаёт йўли кинорежиссёр Учқун Назаров томонидан 1981 йил суратга олинган «Хотира ҳурмати» фильми қаҳрамони Ҳайдарали (Сейдулла Молдахонов)га ўхшаб кетади. Унда Шукур Бурҳонов (Ҳасан ота) тимсолида бутун уруш давомида ўғлининг фронтдан тирик қайтишини кутиб яшаган ўзбек отахонлари тасвирланган. Ҳасан отанинг якка-ю ягона фарзанди Мансур жангда ҳалок бўлганлиги ҳақида қорахат келади. Аммо почтальон Ғулом буни отадан сир тутади. Ўғлидан бирор хабар эшитишни ният қилган Ҳасан ота ҳар куни темир йўл бекатига боришни канда қилмайди. Бундан қаттиқ таъсирланган ўспирин Ҳайдарали ҳарбий комиссариатдан тинмай фронтга жўнатишларини талаб қилади. Мақсадига эришган йигит отани юпатиш мақсадида фронтдан Мансур номидан хат юбора бошлайди.

Уруш тугаб Ҳасан ота хатдаги манзил бўйича фарзандини қидириб Берлинга боради ва у ерда тутинган ўғли Ҳайдарали ва невараси Мансурни учратади...



Асрор РЎЗИБОЕВ,
«Vatanparvar»

ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ МУБОРАК!

Ватаннинг тинчлиги, озодлиги учун Иккинчи жаҳон урушида мардона жанг қилиб, минг-минглаб инсонларга осойишта ва фаровон ҳаёт инъом этган, юксак қаҳрамонлик унвонларига сазовор бўлган, жанговар орден ва медаллар билан мукофотланган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган Сиз, азиз ва олижаноб инсонларни Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллик тантанали байрами, «9 май – Хотира ва Қадрлаш куни» билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси самимий қутлайди.

Муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни ушбу қутлуғ ғалаба билан чин қалбимиздан табриклаб, барчаларингизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, улкан зафарлар тилаймиз. Яратганнинг ўзи ҳар биримизга куч-қудрат, азму шижоат, матонатли ирода ато этиб, бало-қазолардан, табиий офатлардан омон асрасин!

Уруш майдонларидан қайтмаган, мусаффо осмон, тинч ва осойишта ҳаёт учун жон бериб қурбон бўлган юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, уларнинг ватанпарварлик туйғуларини ардоқлаймиз.

Қутлуғ ғалаба байрами муборак бўлсин, азиз фидойи инсонлар!

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси

МОЗИЙ – ҲАҚИҚАТ ТАРОЗИСИ

Аҳмад Закий Валидий Тўғон:

ҚУРБОНЛАР БИЗ БЎЛМАЯЖАКМИЗ!

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида)

Боку конгресси

(1920 йил) 1 – 5 сентябрда Бокуда ўтажак Шарқ халқлари конгрессини ташкил қилиш фикрини Москвада, Бошқирдистон вакилотида Жамол ва Халил пошоларга биринчи марта мен айтган эдим, лекин бу ишни уюштириш вазифаси Сталиннинг Миллий ишлар комиссарлиги билан мусулмон коммунистлар марказига тушди. Ишбоши ва конгресс раҳбарлигига Зиновьев билан К. Радек тайинланди. Бу вақтда мен қочқин эдим. Шундай бўлса-да, Советлар бу конгрессга менинг махфий келишимни билиб, қўлга тушириш чораларини кўрди.

300 га яқин чекистларга мени Боку, Астрахань, Дарбанд, Красноводск ва бошқа ерлардан тутиш вазифа қилиб қўйилгани ҳақида маълумот олдик. Уларнинг аксарияти мени кўрган, танийдиган кишилар экан. Қозоғистон ва Ўзбекистон делегатларининг кимлар эканликлари ва уларнинг ҳаммаси махсус бир поездда келишлари ҳақида ҳам хабар олдик. Мен бу поездни 29 августда Ашхободнинг ғарбидаги Бами деган кичиккина станцияда кутиб олдим. Юк поездидан тушиб, уларнинг поездига илашдим.



Биринчи кирган вагонимнинг ўзидаёқ Турор Рисқулов билан Иброҳим Жонзоқовни топдим. Бокуда қандай кўришажагимиз ва қандай ҳамкорлик қилишимиз ҳақида Красноводскдан кейинги Жебел станциясигача гаплашиб бордик. Шунда Турор жуда қизиқ бир хат кўрсатди.

Манфур мактуб мазмуни

Мен Москвадан кетганимдан кейин тўпланган Коминтерн конгрессида, рус хорижий ишлар комиссарлиги ва Коминтернда Яқин Шарқ бўйича билимдон деб танилган Павлович Яқин Шарқ ва Урта Осиёда ишлайдиган ўртоқлар учун бир номани кўпайтириб тарқатибди, лекин уни мусулмон коммунистларига бермаган экан. Таниш поляк коммунисти ундан бир нусхани бекитиб, Турорга узатган...

Унда қуйидаги фикрлар бор эди:

Яқин Шарқда араб, турк, эрон, афғон миллатларида капитализм ва синфий қарама-қаршилик ривожланиб етмаганлиги сабабли бошқа қарама-қаршиликларни — диний ва тариқат жанжалларини кучайтиришга, бу қарама-қаршиликлар Советлар Россиясида яшовчи мусулмонлар орасида йўқолган тақдирда ҳам, қўшни мусулмон ўлкаларида уларнинг давом эттирилиши ва келажакда кучайтирилиши кераклиги айтилган, шахсий иғво, савдогарлар ва шайхлар орасида баҳс ва келишмовчилик туйғуларини туғдириш тавсия қилинган.

Шарқ халқларининг тили, ёзуви тамом шаклланмаганлигидан фойдаланиб, улар орасида қудратли адабий тиллар вужудга келишига халақит бериб, адабий тилнинг халқ тилига яқинлашувидан фойдаланиб, бу халқларнинг тилини парчалаб юбориш имконияти ва бунинг аҳамияти ҳақида айтилади. Бу миллатларнинг маданий ходимлари ҳамда ақл эгалари саноқли бўлганликларидан уларни бузиш ва йўқотиш ҳам унча қийин эмаслиги тушунтирилади.

Турор дўстим Боку конгрессида фойдаланиш учун бошқа яна бир неча муҳим қоғозлар берди ва уларни кўпайтириб босишни тавсия қилди. Туркманистонда туркман қиёфасида юрганлигимдан Турорнинг бошқа ўртоқлари менга эътибор бермади. Жебел станциясида ҳеч кимга билдирмай поезддан тушиб қолдим.

«Меҳмондорчилигингиз учун раҳмат»

Биз кетадиган пароход ўша куни йўлга чиқмаган экан, портга келиб бир ҳарбий пароходнинг йўлга чиқишга тайёрланаётганини кўрдим... Абилов ўртоқ билан унинг ёрдамчилари Тошкентдан Бокуга бораётган экан, бу эса шуларни олиб кетадиган пароход эканлиги маълум бўлди. Яқинлашиб, соқчи солдатлардан бирига мени ҳам ўзларингиз билан бирга олиб кетасизларми, дедим. Юринг, деб жавоб қилди. Палубага чиқдим... Яхши танимаган ўртоқ Абилов билан ёрдамчилари юқори палубада экан...

Пароход кечга яқин йўлга чиқди... Пароход Бокуга етиб келганидан кейингина Абилов ўртоққа мендан бир хат берарсиз, деб ошпаз хотиннинг розилигини олдим. Бу қоғозда: «Ҳурматли ўртоқ Абилов! Пароходингизда меҳмон бўлдим. Кучли довул туфайли овқатланадиган столга яқинлашмасангиз ҳам, мен лаззатли таомлардан едим. Бундай меҳмондорчилигингиз учун раҳмат! Сизга катта омад тилайман. Бошқирдистон ҳукумати раиси ва БМИК аъзоси Заки Валидов».

Қоғозни ошпаз хотин ҳақиқатан ҳам Абиловга топширган экан, у буни кейинчалик Туркистон вакили Турор Рисқуловга айтиб берган, билган тақдирда ҳам Советларга ушлаб бермас эдим, дебди.

Махфий учрашувлар

Бокуда мен тўғри Турк коммунистлар партияси Марказий Комитетига бордим. Бунда Туркистон вакилларидан бири, қирғиз Иброҳим Жонзоқов билан кунора учрашиб, конгресс йиғилишларида сўзланажак сўзлар ва қабул қилинажак қарорлар ҳақида гаплашардик. Менинг ёзган қарор-лойиҳаларим Жонзоқов ёки бошқирд вакили Холиқов томонидан тавсия қилинди. Рисқулов собиқ адъютантим Абдурашид Бикбаулов ва Аъзамов билан доимий учрашиб турдилар. Улар ёрдамида Шарқ халқлари конгрессида ҳақиқий маънода, фаол қатнаша олдим. Бу конгрессда Москвага келган Анвар пошо, Боқир Сомий, Юсуф Камолбеклар ҳам иштирок этдилар. Улар мен бўлган жойга келмас эдилар. Чунки учрашсак қўлга олинардим. Шундай бўлса-да, Анвар пошо Бокуда эканлигимни билиб, киши орқали хабарлашди. У ҳам Жамол пошо каби менинг Советлардан йироқлашишимни маъқулламади.

Ленин ва Сталинга ёзилган хат

Петровский шаҳрида яшайдиган Зоҳид афанди билан билвосита таниш эдик. Унинг уйида тўхтаб, РКП(б) Марказий Комитетига Ленин, Сталин, Троцкий ва Риков номига ёзилган тўртта хатимни жўнатдим. 1920 йилнинг 12 сентябрида ёзилган бу хат кейинроқ маълум бўлди. Хатни Боку конгрессида қатнашган ўртоқларим ҳам кенг тарқатишган. Унинг бир донасини Усмон Тўқомбатов номли дўстим 1923 йилда Берлинга олиб келган экан, кейинроқ менга берди.

Ўша вақтда Ленин билан Сталинга тўғридан-тўғри айтишга ҳеч ким ботинолмаган жиддий фикрлар бўлган бу хатнинг қисқача мазмуни менинг «Туркистон тарихи» китобимда босилди.

Хатда қуйидагиларни ёзган эдим:

«РКП(б) Марказий Комитети бошлаган сиёсатдан маълум бўлишича, сиз ҳам, Артём билан унинг ўртоқлари сингари Шарқ халқларига нисбатан сиёсатингизда ҳақиқий рус шовинистларининг фикрларини асос қилиб олмоқчи бўлдингиз.

Ўртоқ Троцкий Уфада мазкур масалаларни текширганида бу кишининг (яъни Артёмнинг) ишлари фитналар тизмасидан иборат бўлганлигини сезганди. Шубҳа йўққи, у бу масалани Марказий Комитетда ҳам шундай тушунтирган, лекин янги рус империализми сиёсати ҳукмронлик қилаверди.

Турк комиссияси бошида турган Фрунзе ва Куйбишев ўртоқлар ҳам Троцкийга ўхшаб, МК уларга текширишни топширган сиёсатнинг иккиюзламачи ва алдоқчи бўлишини Рисқулов билан мени иш бошидан четлаштиргандан кейинги йиғилишларда очиқдан-очиқ гапирганлар. Эски анъанавий рус империализмнинг йўлини амалга ошириш иши партия аъзоси бўлган ўртоқларимиз қўли билан ҳал этилиши кераклиги, Туркистон халқлари ўртасидаги синфий қарама-қаршилик сунъий равишда кучайтирилажаги, Рисқулов, Валидов каби маҳаллий миллатчилар ерли ишчи синфнинг душмани сифатида фош қилинажаги, маҳаллий зиёлилар орасидан «октябристлар», деб аталмиш рус империализмига садоқатли одамлар тайёрланиши ва улар буни бажариш ҳақида ўша Туркқомиссия йиғилишларида очиқ айтилган.

Фақат билмайсизки, биз маҳаллий деҳқонларнинг мутлақо синфий душмани эмасмиз ва умуман, масхараланишга бош эгиб турмаймиз. Ўзларингизга керак бўлган қурбонларни топиб олар сизлар. Фақат ўша қурбонлар биз бўлмаяжакмиз.

Туркистонликларнинг ҳуқуқларига чанг солиш фақат маҳаллий рус коммунистларининг иши эмаслигини, бу сиёсат Марказий Комитетнинг ўз сиёсати бўлишини Бокудаги Шарқ халқлари конгрессида қатнашган ўртоқлар очиқ-ойдин кўрсатди. Марказий Комитет Шарқ халқлари қишлоқларида сунъий равишда юзага келтирилажак сунъий қарама-қаршиликни фақат террор ёрдамидагина сақлаб туриши мумкин.

Ўртоқ Ленинниг Коминтерн конгрессида мустамлакачилик масалалари бўйича ўқиган тезислари ҳақида ёзган фикрларимда бу тўғрида айтганман. Шарқда, ижтимоий инқилоб сунъий синфий ажралиш (расслоение) орқалигина амалга ошадиган ҳол эмас. У, ахир жуда мураккаб бир масала. Шарқда европалик капиталист ва ишчи синфлари мустамлакани босиб олиш учун бирлашишга ҳаракат қилсалар, Шарқда деҳқон билан ишчи ўз бойлари билан бирлашишга мажбур бўладилар. Сиз маҳаллий халқда синфларга бўлиниш юзага келмаганини кўратуриб, зиёлиларни айбдор ҳисоблайсиз, уларнинг бир қисмини «синфий душман, майда буржуа миллатчиси», иккинчи қисмини «сўл октябрист» ҳисоблайсиз...

Шундай қилиб, ниҳоят, ўқиш-ёзишни билмаган, фақат эшаги ва ҳўкизию кетмон-кураридан бошқа ҳеч нарсани кўрмаган деҳқон олдида юзма-юз қолажаксиз. Маҳаллий зиёлиларга шубҳа билан қарашингизни бутун Туркистон миқёсида ўзгартира олишингизга ишонмайман. Ҳеч бўлмаганда, маҳаллий ўринлардаги билимли одамларга, Амир қочгандан сўнг тузилган Совет Бухороси тасарруфида турмушни оёққа қўйиш билан шуғулланишга фурсат берар эдингиз».

«Ўлсам ҳам очиқ жангда ўламан»

Шунингдек, Петровскийга, МК котиблари ва сиёсий бюро аъзолари Крестинский ҳамда Преображенскийга ўша куниёқ ушбу хатни ёздим:

«Гарчи социалистик ва миллий мезонларни ўзаро мувофиқлаштириш бўйича, социализмни буюк миллатларнинг (формасигина ўзгарган) ҳокимлиги остида амалга ошириш ҳақидаги фикрларимиз жуда фарқ қилса-да, виждонли бўлиб қолишга ҳаракат қилган бир инсон сифатида сиз икковингиз ва бошқа айрим коммунистлар билан муносабатим самимий эди.

Советларга, коммунизмга қарши кураш йўлига ўтиб, мен ҳеч ҳам алданмадим. Алдаганларим – Сталин каби мени алдаган давлат арбобларидир. Жоҳил, риёкор, диктатор инсонларнинг одамлар тақдири, шахси ва ихтиёри билан беномусларча ўйнашишини сезган айрим ўртоқлар партия орасида кўрқинчли террор бош кўтарилиши ҳақида очиқ сўзлайдилар. Бир кун келиб сизларнинг ҳам бошларингиз кетмасин, деб кўрқаман. Мен бошимни қачон кесар эканлар, деб кутиб турган эмасман, ўлсам ҳам очиқ жангда ўламан».

Сталиннинг чоралари

Менинг бундай хатларим таъсирсиз қолмади. Сталин ҳар турли вазифалар бериб, мени Москвага қайтариш учун бир қанча чоралар ҳам кўрди. Шу жумладан, татар зиёлиларидан Усмон Тўқомбатовни мени қидиргани Ашхобод, Бухоро ва Самарқандга юборди. Лекин мен у киши билан кўришишдан ўзимни тортдим. Турор Рисқуловнинг 1922 йилги гапига қараганда, Ленин ўша вақтда Туркистон ҳукумати раҳбари қилиб тайинланган Рудзутакка «очиқ ишончсизлик кўрсатиб, Валидов Туркистон тоғларига қочмас эди», деган эмиш...

(Давоми бор)

Шерали ТУРДИЕВ
таржимаси асосида тайёрланди.

ВАТАН – АЗИЗ, ЖАСОРАТ – МАНГУ

ТИНЧЛИК УЧУН ЖОНИН ТИККАН ЭЛОМОН

Ватанини суйгувчи инсонлар унинг озодлиги, ободлиги, равнақи йўлида ўзларини ҳар ишга қодир сезадилар. Ҳаттоки, бу йўлда азиз жонларини ҳам аямайдилар. Ватан учун, унинг тинчлиги ва осойишталиги учун жонини фидо қилган ўғлонлар... Улар юртнинг асл фарзандлари эдилар... Улар Ватан тинчлигини асрашни муқаддас бурч деб билдилар ва сўнгги нафасларигача ўз бурчларига содиқ қолдилар... Улар учун ишқ – Ватан, меҳру муҳаббат – Ватан, бору йўғи – Ватан эди. Бундай жасур ўғлонлар номи, ёди халқимиз қалбидан ҳеч қачон кўтарилмайди. Чунки мардлар ўлмайди, уларнинг жисми йўқолса-да, номи, жасорати қалбларда мангу қолади.

«Дада, мени дуо қилинг...»

Эрта баҳор эди. Тонг ёришиши билан она Ўзбекистонимизнинг жасур ҳимоячиси бўлган «Жасорат» медали соҳиби марҳум катта сержант Эломон Отажонов яшаган хонадон томон йўл олдик. Машинада кетаяпмиз. Машина ойнасидан тушаётган қуёшнинг заррин нурлари танага хуш ёқади. Узоқдан улуғвор тоғлар кўзга ташланади. Ана, йўл четлари кўм-кўк майсалар билан безанибди. Қаранг, улар ҳам ҳаётни севади, яшашга ошуфта.

Катта сержант Эломон Отажонов ҳам ҳаётни севарди. У айни навқирон ёшда ҳаётдан кўз юмди. Ўшанда 22 ёшда эди. Унинг ҳам қалби орзу-умидларга лиммо-лим эди...

Мана, Эломон туғилиб ўсган қишлоқ. Мана, унинг қанчадан-қанча шўхликларига гувоҳ бўлган қадрдон кўча. Унга бугун Эломон Отажонов кўчаси деб ном берилган. Мана, у камол топган хонадон... Ораста ҳовли. Ҳовлида ул-бул юмуш билан куймаланиб юрган Холмурод ака билан Янглиш опа истиқболимизга чиқди. Ичкари кирдик. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг суҳбат ўз-ўзидан Эломон Отажоновнинг болалик ва ёшлик йиллари, у билан боғлиқ хотираларга уланди.

– Эломон туғилганда унга нима деб исм қўйсак экан, деб кекса тоғамдан маслаҳат сўраганмиз. Ўзбекчиликда таомил шунақа: чақалоққа ёши улуғ инсонлар исм қўйиб беришади. Шунда тоғам узоқ ўйланиб туриб «чақалоқнинг исми Эломон бўлсин», деган, – дейди, Холмурод ака. – Бу исмни эшитиб қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, «шунақа исм ҳам бор эканми?» деб ҳайрон бўлишган. Уларга «Эломон – эл омонлиги учун хизмат қилсин, дегани. Ҳали у катта бўлса, ўз номига муносиб йигит бўлади», деганман кулиб...

Эломон жуда оғир-босиқ, мулоҳазали эди. Ҳеч қачон кўнглимизни оғритадиган, ранжитадиган иш қилмаган. У ўғилларим ичида энг каттаси бўлгани учунми, меҳрим бўлакча эди. Бирор ишни қилишдан олдин мен билан маслаҳатлашарди, мендан йўл-йўриқ оларди. Эломон то муддатли ҳарбий хизматга кетгунга қадар мен ва оналарга кўмакчи бўлди. Далада биз билан ёнма-ён ишлади. Мактабда ҳам яхши ўқиган. Устозларидан у ҳақда фақат яхши гап эшитардик... Кейин муддатли ҳарбий хизматга кетди. Орадан бироз вақт ўтгандан сўнг Ҳарбий қасамёд қабул қилгани ҳақида фахрланиб хат ёзди. Биз ҳам яхши хабар эшитганимиздан хурсанд бўлдик.

У тез-тез хат ёзиб турарди. Биз кун санаб, унинг уйга қайтишини кутиб юрган кунларимизнинг бирида Эломондан яна хат олдик. Унда «Дада, шартнома бўйича хизматни давом эттирмоқчиман. Қарорим қатъий. Мени дуо қилинг», деган жумлалар бор эди. Мен ҳам бу қарорини қувватладим... Орадан икки йил ўтиб, ўша машъум воқеа содир бўлди... Ўшанда 2000 йилнинг август ойи эди... Туғилган кунига бир ой қолганди... Сафдошлари ўғлимнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлганини айтишди... Эломонжон ўз исмига муносиб эл омонлиги, тинчлиги йўлида жонини қурбон қилди... Орадан қанча вақт ўтди. Вақтни ҳар нарсага даво, дейдилар. Балки шундайдир. Лекин у кўнгилдаги фарзанд доғини юволмайди. Оиламизда бирор кун йўққи, Эломонжоннинг номи, ёди тилга олинмаган. Менга бир нарса таскин беради: фарзандимиз тарбиямизни оқлади, қисқа умр кўрса-да, лекин ортидан яхши ном қолдириб кетди...



Холмурод ака бир нуқтага тикилганча жим қолди. Унинг хаёлидан шу тобда нималар кечаётганини мунгли қиёфасидан, титраётган лабларидан ҳам билиш мумкин. Ҳа, фарзандидан жудо бўлиш ота-она учун қанчалик оғир. Бу доғ йиллар ўтса-да, қалбни ўртайверади. Орага ноқулай жимлик чўкди. Бундай вазиятда тасалли беришга сўз тополмайсан, киши. Стол устидаги суратни қўлимга олиб, унда акс этган ҳарбий кийимдаги хушсурат йигит қиёфасига тикилдим...

«Орзулари ушалмай қолган болам»

– Эломонжоннинг тўйларига деб сарполар йиққандим, – дейди Янглиш опа. У гапиряпти-ю, кўзларидан дувиллаб ёш тўкиляпти. – Охирги марта хизмат таътилига келганда унга «Эломонжон, бўлди энди, сени ҳам уйлантирайлик. Қара, сен тенги ўртоқларинг уйланиб, бола-чақали бўлди», десам, у кулиб мени қучди-да: «Опа, ҳали уйланишга улгураман. Мен олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кирмоқчиман. Кейин орқа томонимиздаги уйни сотиб оламиз, кейин бу ёнимиздаги уйни сотиб оламиз. Кейин уйланаман. Мана шу уйларда уч ака-ука ёнма-ён яшаймиз», деганди. Бу унинг орзуси эди. Эломон опа-укаларига, синглисига, қариндош-уруғларга, дўстларига жуда меҳрибон эди.

Хизмат таътилига келса, уйдагилар билан ҳол-аҳвол сўрашиб бўлиб, дарров қариндош-уруғларимизникига йўл оларди. Шу билан ярим тунда қайтиб келарди. Бир гал: «Эломонжон, сен бизни кўришга келганмисан ё бошқаларними?» дедим жаҳлим чиқиб. Онаман-да, фарзандимнинг кўпроқ ёнимда бўлишини, у билан кўпроқ суҳбатлашишни, дийдорига тўйишни истардим. У эса «Опа, мен ҳаммани соғинганман. Қишлоқда кам бўламан. Шунинг учун таътил вақтида таниш-билишлардан хабар олиб қўяй, дейман-да. Яна улар мени оқибатсиз бўлиб кетибди, дейишмасин», деганди. Ўшанда хижолат бўлиб қолганман... Охирги марта келганида дадасига: «Мен хизмат сафарига кетяпман. Сизлар билан хабарлашолмаслигим мумкин», деган экан. Шундан кейинги воқеаларни эслагим келмайди... Унинг хатларини яқингача сақлаб юрдим... Уни ҳар доим соғинаман. У билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашгим келади.



Унинг ҳеч қачон кўз ўнгимдан кетмайдиган порлоқ кўзларини, қоп-қора сочларини, ўша мудҳиш куни янада кўркам тортган жонсиз вужудини, ҳатто ўлим ҳам ҳусн бўлиб тушган чеҳрасини ёдга олганимда кўксим, димоғим жизиллаб ачишади. Ўйлаб ўйимга ета олмайман, бу бевақт келган қирон менга тақдирнинг кечириб бўлмас хатосидек туюлади, вужудим чексиз изтиробдан ўртанади, томоғимни ачиқ алам ва қаҳр куйдиради...Орадан йигирма йил ўтди. Йигирма йил ичида бу бағрикенг дунёга кимлар келиб, кимлар кетмади. Лекин қалбимни биргина армон ўртайди. Эломонимнинг сўнгги сўзларини эшита олмадим...

Ака изидан

...2000 йилнинг ёзи. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар Юсуф Отажоновга «Аканг оғир аҳволда госпиталга тушибди. Тез етиб боришинг керак», деган хабар етказилди. Қўрқув ва таҳликада уйга етиб келган Юсуф бутунлай бошқа ҳолнинг гувоҳи бўлади: суянчиғи, доим у билан фахрланиб юрадиган меҳрибон акаси ҳаётдан кўз юмибди! Уни сўнгги манзилга кузатиш учун ҳовли-ю кўчага тумонат одам йиғилган. Уканинг фарёди оламни тутди... Унга ўзига келиб олиш учун муҳлат беришди. Лекин акасининг маъракасини ўтказган ука эртасигаёқ йўл тадоригини кўра бошлади. Савол назари билан тикилган ота-онасига: «Мен муддатли ҳарбий хизматни давом эттираман. Кейин эса олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кираман», деди-ю, йўлга отланди. У акасини жуда яхши кўрарди. Акасининг орзуси олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириш эканлигини биларди. Бу истак ўзида ҳам бор эди. Акасининг ўлими қалбидаги мана шу истакни қатъий мақсадга айлантирди. У муддатли ҳарбий хизматни тамомлагандан сўнг Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга киради.

– Акам мен учун бебаҳо инсон эди ва шундай бўлиб қолади, – дейди Юсуф Отажонов. – Акамда йигит киши ўрганиши керак бўлган жиҳатлар, фазилатлар кўп эди. У ҳақда қишлоқдошларимиз ҳам, мактабдаги устозларимиз ҳам фақат яхши гаплар айтарди. Балки яхши инсонларнинг умри қисқа бўлади, деганлари ростдир... Акамнинг номи, ёди доим қалбимизда. Мен мана шундай жасур инсоннинг укаси эканлигимдан фахрланаман...

Хотира – муқаддас

Катта сержант Эломон Отажонов Шароф Рашидов номидаги 2-умумтаълим мактабида таҳсил олган. Бугун ушбу таълим масканида унинг хотирасига бағишлаб бурчак ташкил қилинган. Унда қаҳрамоннинг суратлари, унга тегишли буюмлар ўрин олган. Шунингдек, мактабда Эломон Отажонов хотирасига бағишланган спорт мусобақалари, турнирлар тез-тез ўтказилиб турилади. Ўқитувчилар ўқувчи ёшларга унинг мардлигини, жасоратини ўрнак қилиб кўрсатишади, унингдек юртни севишга, Ватан тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачиғидек асрашга ундашади.

– Ўғлимнинг номини абадийлаштириш мақсадида мактабда хотира бурчаги ташкил қилинганида жуда хурсанд бўлганман, – дейди Холмурод ака. – Юрт учун, Ватан учун қилинган хизмат ҳеч қачон изсиз кетмас экан. Эломонжоннинг хизматдош дўстлари тез-тез келиб туришади. Улар ҳар келганда, албатта, мактабда ташкил этилган хотира бурчагини зиёрат қилиб кетишади. Мактабда ўғлимнинг хотирасига бағишлаб спорт мусобақалари ўтказилаётгани ҳақида эшитяпман. Қишлоғимизда келажагини ҳарбий соҳа билан боғлаётган ёшлар сони кўпаймоқда. Бу ҳам мени қувонтиради. Чунки ўғлимнинг ҳаёт йўли ёшларга ибрат бўлаётганини дилдан ҳис қиламан.

Ҳа, яхши инсонлар хотираси ҳеч қачон ёддан кўтарилмайди. Айниқса, юрт учун, Ватан тинчлиги учун ҳаётини бахшида қилган мардлар номи абадийдир. Улар миллатимизнинг фахри, ифтихоридир. Токи тирик эканмиз, юртнинг мана шундай фидойи фарзандлари номини доим ёдга олиб, уларнинг руҳини шод қилайлик, кўнгилларимизни поклайлик. Мана шундай эзгу амаллар ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айлансин.

Майор
Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА,
«Vatanparvar»

СИЁСИЙ ШАРҲ

«ДЕНГИЗ ҚУДРАТИ»: ҳукмронлик учун кураш



XVIII аср ва XX аср бошларида дунёни қайтадан тақсимлаш, денгизда устунлик қилиш учун курашлар мисли кўрилмаган даражада кескин тус олди. Усмонийлар заифлашиши ортидан Британия ва Россия каби давлатлар дунёнинг «илиқ сувлари»да ҳукмронлик учун рақобатга киришди.

Ҳатто, бу даврда денгизда ҳукмронлик ўрнатишга оид илмий ва назарий асарлар яратила бошланди. Британиялик олим Коломб «денгиз қудрати» геостратегик назариясининг асосчиларидан бири сифатида жаҳон геосиёсат тафаккури тарихига кирди. Бу назария кейинчалик атлантизм ғоясига асос қилиб олинди. Муаллиф 1891 йилда ёзган «Денгиз уруши: унинг асосий тамойиллари ва тажрибаси» номли асарида денгиз давлатлари ва уларнинг куч-қудрати билан боғлиқ кўпдан-кўп ғоялар берган биринчи тадқиқотчи сифатида кўзга ташланган. Бу назарияга кейинчалик яна бир британ олими Мэҳен мурожаат қилган ва уни ривожлантирган. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар «денгиз қудрати» геосиёсий концепциясини «Мэҳен – Коломб» назарияси сифатида тақдим этишади.

Таниқли ҳарбий денгиз стратеги, адмирал, тарихчи олим Альфред Тэйлор Мэҳэн (1840 – 1914) ҳақли равишда инглиз – саксон классик геосиёсати Америка йўналишининг асосий яратувчиларидан бири ҳисобланади. Мэҳэн фақат Америка ва Атлантика геосиёсатигина эмас, балки жаҳон геосиёсати назариялари, айниқса ҳарбий-стратегик концепциялар ривожига ва чуқурлашишига энг салмоқли ҳисса қўшган геострателардан биридир. Геосиёсий адабиётларда «Денгиз ҳукмронлиги» (талассократия) назарий концепциясининг асосчиси сифатида танилган Мэҳэн 1890 йилда ўзининг энг катта «Денгиз қудратининг тарихга таъсири» номли асарини чоп эттирди. Мэҳэн бу асарида жаҳонда мавжуд бўлган қуруқлик ва денгиз империяларининг тарихдаги ролини кенг тадқиқ қилди ва барча параметрларга кўра денгиз давлатлари табиатан қуруқликдаги давлатлардан устундир, деган хулосага келди. Бундан ташқари, у «Осиёнинг муаммоси ва унинг халқаро сиёсатга таъсири» (1900) номли китоб ва ҳарбий-сиёсий, ҳарбий денгиз масалаларига бағишланган кўпдан-кўп мақолалар муаллифидир. Мэҳэн «соҳил бўйи миллатлари» атамасини илмий истеъмолга киритди. У сиёсат инсонларнинг ғайрат-шижоати ва руҳий баркамоллигига боғлиқ ҳолда мамлакатни бошқарган ҳукмдорларнинг характери ва ташаббуси билан ўзгаради, лекин соҳил бўйи халқларининг тарихи ҳукуматларнинг уддабуронлиги ва тадбиркорлигидан кўра жойлашув шартлари, соҳил чизиғининг қулайлиги ва узунлиги, халқнинг сони ва характери, янада тўғрироғи, табиий омилларга кўра белгиланишини ёзди. Мэҳэн жаҳон макони тузилмасида 30 ва 40-параллеллар орасида жойлашган «ихтилоф зонаси»ни ажратиб кўрсатган. Унинг фикрига кўра, бу ҳудудда конкрет сиёсатчиларнинг иродасидан қатъи назар, океан кенгликларини назорат этувчи денгиз мамлакатлари (АҚШ ва Англия)нинг ва Евроосиё қитъаси марказида жойлашган қуруқлик давлатлари (Россия, Германия ва бошқалар)нинг манфаатлари муқаррар суратда тўқнашиб туради. Мэҳэннинг айтишича, бундай зиддиятда ғолиб чиқиш учун денгиз империяси қитъа давлатини имкон борича Евроосиё қаърига улоқтириб ташлаши, «соҳил бўйи халқлари» устидан назоратни қўлга киритиши ва ўзининг геосиёсий рақибини Евроосиё қитъаси соҳили бўйлаб жойлаштирилган ўз ҳарбий денгиз базалари билан қуршаб олиши даркор. СССР тарқаб кетгандан кейин бирмунча кучсизланган Россияни турли баҳоналар билан айблаётган АҚШ борган сари ана шундай иш тутмоқда.

Айтиш жоизки, денгиз йўли орқали саёҳат ва молларни ташиш қуруқликдагига нисбатан ҳар доим осон ва арзон бўлган. Бу денгизнинг асосий афзаллигидир. Лекин денгиз тижорати, айниқса, урушлар вақтида ҳарбий флот ҳимоясига муҳтождир. Мана шундан келиб чиққан ҳолда олим тижоратнинг жонланиши билан ҳарбий флотнинг ривожланиши бир-бирига тўғридан-тўғри боғлиқ эканини қайд этган ва «Миллат ўзининг ҳарбий ва савдо кемаларини мамлакати соҳилларидан узоққа юборадиган бўлса, у ҳолда у ўша минтақаларда таянч минтақаларга эга бўлиши лозимлигини ёзган. Кемалар тижорат амалиётлари вақтида озиқ-овқат ва бошқа захираларини сақлаш ва таҳликалардан ҳимояланиш учун бу минтақалардан фойдалана олади ва лозим бўлган чоғларда уларга (ҳарбий базаларга) суяна олади». Мэҳэннинг фикрича, соҳил бўйи миллатлари сиёсатининг мақсадларини қуйидаги уч омилдан изламоқ керак:

маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни айрибошлаш зарурияти;

бу айрибошлашни амалга ошириш учун кемачиликни ривожлантириш;

мустамлакаларни қўлга киритиш мақсадида кемачилик амалиётини кенгайтириш ва кема бандаргоҳларининг хавфсизлигини таъминлаш.

«Американинг денгиз кучидан манфаатдорлиги» китобида ва бошқа кўпдан-кўп асарларида Мэҳэн геосиёсатнинг амалий фанлиги ғоясини ўртага қўйди ва у давлат раҳбарларига амалий тавсиялар бериши лозимлигини қайд этди. Ҳатто, унинг ўзи АҚШнинг жаҳоний давлат даражасига кўтарилиши учун «Амалий таклифлар пакети»ни тайёрлаган. Мэҳэн АҚШнинг: денгиз давлати бўлган Буюк Британия билан фаол ҳамкорлик қилишини; немисларнинг денгиз даъволарига қарши чиқишини; Тинч океанида Японияннинг устунлигига чек қўйишини; Осиё халқларига қарши курашда европаликларнинг тарафдори бўлишини тавсия қилган. Мэҳэннинг фикрича, АҚШнинг келажаги бирлашган Америка қитъасига суяниб, жаҳонда иқтисодий, стратегик ва ҳатто, мафкуравий муносабатларда етакчи мавқе эгаллашига боғлиқ, шундан сўнг у жаҳонга ҳукмронлик қила олади. Мэҳэн бунга эришиш мумкин, деб ўйлаган. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, Евроосиёнинг қитъа давлатлари бўлган Россия ва Хитойни, ундан кейин Германияни орадан кўтариб ташлаш даркор. Бундай мураккаб вазифани ҳал этиш учун у Евроосиёга нисбатан «анаконда» стратегиясини мунтазам суратда қўллашни таклиф қилган. Шуни қайд этиш керакки, Мэҳэннинг «анаконда» стратегиясини муваффақиятли қўллаш учун мана юз йилдан кўпроқ вақт мобайнида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония томонидан Россия ва Хитойга қарши алоҳида геостратегик кураш олиб борилмоқда. Биринчи жаҳон уруши вақтида «анаконда» стратегияси Антантани қўллаб-қувватлаш учун ишлатилган, Иккинчи жаҳон урушида бўлса, «анаконда» «Марказий Европа», СССР, шунингдек, Японияни «бўғган». Бироқ бу стратегия «совуқ уруш» даврида СССР, Куба ва Варшава Шартномаси мамлакатларига қарши энг кучли тарзда қўлланилган. Бутун XX аср мобайнида, айниқса, 1970 – 1980 йилларда СССР билан зиддият улкан миқёсларга кўтарилган бир вақтда америкаликлар Мэҳэн томонидан тайёрланган геостратегик ҳаракат дастурини амалга ошириб, ўз ҳарбий денгиз кучларини мунтазам суратда кучайтириб бордилар ва барча масалаларда СССР устидан ҳарбий устунликка эришдилар. Уларнинг ғалабаси пировардида СССР ва бутун социалистик лагернинг қулашига олиб келди, АҚШ сайёранинг ягона ва энг кучли ҳарбий-сиёсий ва денгиз давлатига айланди.

Сиёсатчи олимлар жаҳонни геосиёсий томондан икки қисмга – «Ҳартланд» ва «Римланд»га бўлган. Бироқ Мэҳеннинг чин издоши бўлмиш Спайкменнинг фикрича, жаҳонга ҳукмронликка эришишда, Макиндер айтганидай, «Ҳартланд» эмас, айни «Римланд» ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шундай қилиб, Спайкмен Макиндернинг «Ҳартланд»нинг роли тўғрисидаги назарияси ва формуласини ўзининг «Римланд» формуласи билан алмаштирган: «Ким Римландга ҳоким бўлса, у Евроосиёда ҳукмронлик қилади, ким Евроосиёда ҳукмрон бўлса, жаҳон тақдири унинг қўлида бўлади». Шу тариқа Спайкмен геосиёсий доираларда «Римланд» концепциясининг асосчиси сифатида танилди. Америкалик геосиёсатчи кейинчалик геосиёсий адабиётларда «атлантизм» деб ном олган геосиёсий концепциянинг етакчи мафкурачиларидан бири ҳам бўлди. У геосиёсий асарларида жаҳон қудратининг учта марказини ажратиб кўрсатган:

Шимолий Американинг Атлантика океани қирғоқлари;

Европа соҳиллари;

Евроосиёнинг Узоқ Шарқи. Спайкмен келгусида жаҳонда «Атлантика блоки» (АҚШ ва Европа мамлакатларининг бирлиги) ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб ҳисоблаган. Айни чоғда у Ҳиндистон жаҳон геосиёсатининг тўртинчи марказига айланиши мумкинлигини тахмин қилган. Спайкмен геосиёсий адабиётга биринчи бўлиб «Марказий океан» тушунчасини олиб кирди. Муаллифнинг айтишича, агар Қадимги дунё ва ўрта асрларда Ўртаер денгизи марказий океан ролини ўйнаган бўлса, ҳозирги вақтда бу ролни янги геосиёсий реаллик бўлган Атлантик океани ва «Атлантика қитъаси», яъни АҚШ ва Ғарбий Европа ўйнамоқда. Спайкмен жаҳонга ҳукмронлик учун кураш жараёнида Европани АҚШнинг иқтисодий, ҳарбий, интеллектуал қўмитаси деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, АҚШ кучайган сари геосиёсий жараёнларда Европанинг роли, Европа давлатларининг сиёсий суверенитети пасая боради. Қитъада ҳокимият аста-секин бутун «атлантика макони» йўлбошчиларини бирлаштирган алоҳида тузилма қўлига ўтади. Бу тузилмада асосий ролни АҚШ ўйнайди. Спайкмен, шунингдек, бутун сайёра миқёсида «анаконда» сиёсатини амалга ошириш зарурлиги ғоясини биринчи бўлиб илгари сурди, бу сиёсат ёрдамида Африка, Осиёнинг соҳил бўйи ҳудудларини, араб мамлакатлари, Ҳиндистон ва Хитойни назорат қилиш ва бўғиш кераклигини асослашга уринди.

АҚШ ўз ташқи сиёсатини олиб боришда мана шу геостратегик назарияларга таяниб иш кўради. АҚШнинг дунёнинг 120 дан зиёд мамлакатларида ўз ҳарбий базаларини очгани, дунё океанлари ва денгизларида фаоллиги ҳам шундан далолат беради. Аммо геостратегик мақсадларни амалга ошириш осон бўлмаяпти. Денгизларда Россия ва тобора қудрати ошиб бораётган Хитой ҳам қудратли давлатга муносиб рақобат кўрсатмоқда. Россия Қримни қайта эгаллаб, Қора денгизда салоҳиятли кучга айланган бўлса, Пекин Жанубий Хитой денгизидан АҚШ кемаларини сиқиб чиқаришга уринмоқда. Россиянинг душманнинг ҳар қандай мудофаа тизимларини ёриб ўтишга қодир янги замонавий ракеталари Пентагоннинг денгизда буткул ҳукмронлик қилиш орзуларини чиппакка чиқарди. АҚШ Мудофаа вазирлиги эса ракета технологияси борасида Россиядан ортда қолаётганини тан олди...

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи

МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

БУЮКЛИККА ДАЪВО ҚИЛМАНГ!

Бизда ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида буюкликка арзийдиган, аммо ҳеч қачон ва ҳар қандай вазиятда ҳам буюкликни даъво қилмайдиган жуда қобилиятли, ҳалол-пок, диёнатли, меҳр-оқибатли, камбағалпарвар, Ватан ва миллат шаънини ҳамма нарсадан устун қўядиган, маънавияти юксак, диний эътиқодда ва садоқатда мустаҳкам, ҳамиша халқнинг қайғуси ва ташвиши билан яшайдиган, ишлайдиган, фикрлайдиган инсонлар бор.

Аслида буюклик мақомидаги инсон нафақат юксак истеъдод ва ноёб қобилиятда, меҳнат ва изланишда, янгилик яратиш ва муҳим натижага эришишда, авлодларга бой маънавий ва илмий мерос қолдиришда, балки ахлоқ ва одобда, имон-эътиқод ва диёнатда, оддий, камтарона яшаш ва меҳр-оқибатда, мўминлик ва камбағалпарварликда бошқаларга ибрат бўлиши зарур.

Биз эса талантли одамни буюк дейишга ўрганиб қолдик. У майхўрлик ёки ахлоқий бузуқлик қиладими, диёнатсизлиги билан таниладими ёки Аллоҳга ширк келтирадими, оиласини хўрлайдими ёки ота-онасига оқ бўладими, шуҳрат кетидан қувиб шарманда бўладими ёки миллат шаънига доғ туширадими, даҳоликкa даъвогарлик қиладими ёки жамиятга ўз таъсирини ўтказмоқчи бўладими – бу билан ишимиз йўқ. Унинг буюклигини шу даражада таърифлаймизки, оддий инсон эканлигига унинг ўзи ҳам ишонмай қўяди.

Кўпинча мантиққа зид бундай муболағали ҳаддидан ошишни журналистлар, шоирлар, ёзувчилар, олимлар, телебошловчилар, ўртакашлар фаолиятида кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, таниқли шоир, шайх Мирзо Кенжабек 2020 йил 1 январь куни «Ҳуррият» газетасида босилган суҳбатида шундай деди: *«Биз фақат ёшлар ҳақида эмас, адабий муҳитда ўзини «буюк» деб биладиган қалам аҳлларининг ахлоқи ҳақида ҳам кўпроқ ўйлашимиз керак. Зеро, адабиёт – адаб мактаби, муҳаббат ва садоқат мактабидир. Демак, аввало тарбия қилувчининг ўзи тарбияли бўлиши керак».*

Мирзо Кенжабек ҳақ гапни айтди. Тез-тез телеэкранда пайдо бўлиб, бир-бирини «буюк» деб улуғлаётган шоирлар ва артистлар кўпайиб кетди. Баъзан ўзларини ўта ақлли ва доно қилиб кўрсатишади. Уларга пахта қўйишда баъзи бошловчи ва адабиётшунослар устаси фаранг бўлиб кетишган.

Телевидениеда раҳбар эдим. Бир буюк ёзувчи бошқа бир буюк шоирга: «Сен Норматовнинг итисан», дебди. Чақириб гаплашган эдим, буюк ёзувчи: «Айтгим келди, айтдим-да, шунга шунчами?!» деди. Агар интернет сайтларини ўқиб борсангиз, артистлар ва бошқа касб эгалари ўртасида ҳам бундай «буюк»ларга дуч келасиз.

Ҳозирги ёшлар билмайди, совет даврида буюклар аслида колхоз раислари орасида кўп эди. Айниқса, Ҳамроқул Турсунқулов, Абдужамил Матқобулов, Аҳмаджон Одилов, Назира Йўлдошева, Турсуной Охунова каби ўнлаб буюкларнинг номлари тилга олинган пайтда оддий халқ бир сесканиб тушарди. Мен 1960 – 1964 йилларда Янгийўл медицина билим юртида ўқиганимда бошқа курсдошларим қатори тўрт йил уч марта қаҳрамон бўлган Ҳамроқул Турсунқулов раислик қилаётган «Шарқ юлдузи» колхози даласидан чиқмаганман. Пахта билан асосан биз, талабалар шуғулланардик. Бригадирларнинг асосий вазифаси тузоқ қўйиб, бедана тутиш эди. Чунки буюк раис фақат бедана гўшти ер эди. У Никита Сергеевич Хрушчёвнинг қадрдон дўсти ва эркатойи сифатида Ўзбекистон раҳбарларини назар-писанд қилмасди. Тақдирни қаранг, унинг ерлари бошқа бир буюк раҳбар Иосиф Виссарионович Сталиннинг қадрдон дўсти Усмон Юсупов раҳбарлик қилаётган хўжалик ерлари билан туташ эди.

Унутманг, босқинчи динсизларнинг эркатойлари бўлган буюклар ҳамиша ўз халқининг эмас, балки ўз хўжайинлари ишончини қозонишни юксак шараф деб билганлар. Абдужамил Матқобулов ҳам ана шундайлардан бири эди. У Орджоникидзе (ҳозирги Қибрай) туманидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига раислик қиларди. Пахта етиштиришни кўпайтириб, юқорига ёқиш учун тумандаги энг катта қадимий қабристонни бузиш ҳақида буйруқ берди. Бунга ҳеч ким журъат этмади. Шунда ўзи бульдозерни бошқариб, ҳамманинг кўз олдида эски ва янги жасадларни юзага чиқариб ташлади. Яқинлари кўмилган аёллар ғазабга келди ва унга ташланишди. Шундай қилиб буюк қаҳрамон халқнинг қарғишига учраб, гангренага йўлиқди ва оёқларидан ажраб, вафот этди. Ўзбекистонда Аҳмаджон Одиловнинг тақдири қай даражада аянчли якун топганини билмайдиган одам бўлмаса керак. Аёллардан сунъий буюкларни яратиш мақсадида Турсуной Охунова танланди. Чинозлик қишлоқ аёли нега икки марта қаҳрамон бўлганини ўзи ҳам билмас эди. Охирида у бундай буюклик билан мунгли ва тушкун аҳволда хайрлашди.

Кейинги йилларда буюклик учун кураш шиорга айланиб қолди. Келажакда Имом Бухорийлар, Имом Термизийлар, Навоийлар, Насафийлар, Улуғбеклар, Беруний лар, Абдулла Ориповлар, Эркин Воҳидовлар, Зулфиялар, ҳатто Ҳалима Худойбердиевалар яратамиз, деб ваъда беряпмиз. Йўқ, азизлар, буюклик яратилмайди, Аллоҳ томонидан берилади. Бундай буюклар ҳозирги буюкларга ўхшаб мансаб ва мол-дунё кетидан қувмайди, хиёнат ва ҳасад қилмайди, ҳаром луқма емайди, мунофиқлик ва маддоҳлик қилмайди, агар аёл бўлса, бошяланг ва ибодатсиз юрмайди. Инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида Аллоҳнинг назари тушган айрим инсонларгина буюкликка мушарраф бўлганлар. Биз, мусулмонларда аввало саҳобалар, авлиёлар, ўта тақводор, ҳамиша поклик шамидан баҳраманд бўлганлар ҳамда маънавияти юксак, ноёб истеъдод эгалари шундай номга муносибдирлар. Аллоҳнинг барча илоҳий динлари ва муқаддас китобларига, Қуръонда айтилган пайғамбарларга, шу жумладан, Муҳаммад алайҳиссаломга имон келтирганлар орасида Гёте, Лев Толстой, Кусто, Армстронг, Ҳобон, Ҳедли, Уильямс, Муҳаммад Али сингари биз яхши билган ва билмаган кўпдан-кўп буюк сиёсатчилар, ижодкорлар, олимлар, астронавтлар, сайёҳлар, спортчилар бор.

Машҳурлик буюкликни билдирмайди. Ҳозир машҳурликни сотиб олаётганлар кўп. Айниқса, ўзларини санъаткор ҳисоблаб, телеэкранда бўридай увиллаб, сиртлондай чийиллаб, кенгуридай сакраб, маймундай тиржайиб, машҳурликка даъвогарлик қилишяпти. Баъзан кузатиб, ҳайрон қоласиз: гўё йигирма еттинчи аср одамидек бўяниб олган аёл бошловчи-журналист шундайлардан бирининг қаршисида ўтириб, олдидаги йигитча ёки қизчага гўё ойни ерга олиб тушгандек унга ҳис-ҳаяжон билан энсани қотирадиган саволлар бера бошлайди. Қизча ёки йигитча эса шу сакрашини, шу увиллашини, шу чийиллашини буюкликнинг чўққиси деб билади ва бундай бахтдан фахр-ифтихорга тўлади. Тамарахонимлар, Ҳалимахонимлар, Таваккал Қодировлар, Маъмуржон Узоқовлар ҳам юрган экан-да чанг қоплаган далалару шипшийдам шийпонларда қўшиқ куйлаб, буюкликни даъво қилмай, дегим келади.

Бизда ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида буюкликка арзийдиган, аммо ҳеч қачон ва ҳар қандай вазиятда ҳам буюкликни даъво қилмайдиган жуда қобилиятли, ҳалол-пок, диёнатли, меҳр-оқибатли, камбағалпарвар, Ватан ва миллат шаънини ҳамма нарсадан устун қўядиган, маънавияти юксак, диний эътиқодда ва садоқатда мустаҳкам, ҳамиша халқнинг қайғуси ва ташвиши билан яшайдиган, ишлайдиган, фикрлайдиган инсонлар бор. Бироқ улар мунофиқлар ва маддоҳлар, таъмагирлар ва порахўрлар, ҳасадгўйлар ва фитначилар соясида қолиб кетди. Оқибатда томошабин бўлиб турувчилар кўпайиб кетди.

Тўғриси, бундай пайтда менинг фикрим Мирзо Кенжабекнинг «Ҳуррият»да босилган қуйидаги фикри билан ҳамоҳанг: «Қодирийдек, Чўлпондек инсонлар бор бўлган тақдирда ҳам биз уларнинг қадрига етармидик? Ёки жамиятдан четлатиб, устоз Абдулла Орипов «Нечун томошага бунчалар ўчсан?!» деганидек, томошабин бўлиб ўтармидик!

Қодирийдек, Чўлпондек халқ учун ёниб-куйиш дегани, керак бўлса, жонини бериш дегани – қаламнинг кучини пуч ва беҳуда ғояларга сарфламаслик дегани, ҳар қандай шароитда ҳам ҳақ сўзни айтиш дегани, тарихни бузмаслик ва хаспўшламаслик дегани, ўзи нолойиқ бўлса-да, ундай шахсларни кўтар-кўтар қилмаслик дегани, ҳамиша қалби озор бўлмас деганидир!»

Буюклар ҳақида гап борганида бир ҳолат миямда муҳрланиб қолган. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони таъсис этилганидан сўнг Ислом Каримов катта бир йиғилишда залга қарата шундай деди:

– Бу унвонга кимларни тавсия этасизлар, таклиф киритинглар!

Шу пайт нафақат ижоди, балки одоби билан ҳам танилган бир буюк шоир ўрнидан туриб:

– Ислом Абдуғаниевич, бундай юксак унвонга тирик одамлар ичида Сиздан бошқа муносиб инсон йўқ! – деди.

Биринчи Президентимиз ўзини ноқулай сезиб, гапни бошқа томонга буриб юборди.

Ҳозир бундай «журъат»-ли буюклар кўпайиб кетган. Аллоҳ уларга ақл-идрок ва инсоф-диёнат берсин. Имкон қадар буюкликка соя солмайлик.

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

БИЗ ЯШАЁТГАН ОЛАМ

ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ

ёхуд улар шунчаки ҳарбий эмас

Тасаввур қилинг, қаршингизда ҳарбий либоси ўзига ярашган, барча зарур аслаҳа, ҳимояланиш воситалари билан қуролланган, ҳайбати шердек ҳарбий пайдо бўлди. Юзига ниқоб таққани боис унинг фақат кўзларини кўра оласиз. Лекин ўткир нигоҳлари сизнинг диққатингизни ошириши табиий. Устига-устак, у қора кўзойнак таққан бўлса-чи? Диққатингиз икки карра ортиши турган гап. Чунки сиз қадамидан ўт чақнаб турган бу ҳарбийнинг одатий аскарлардан бири эмаслигини тушунасиз.

Унинг юқори ҳарбий тайёргарлик ва жанговар шайликка эга экани шундоқ кўриниб туради. Демак, у оддий эмас, махсус операция кучлари ҳарбий хизматчиси. Жиноятчи бўлмасангиз, хавотирга ўрин йўқ. Негаки, бундай махсус тайёргарликка эга ҳарбийлар сизу бизни турли ғаламислар, террорист, ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилади.

Ҳар бир мамлакат ўзининг мудофаа тизимини шакллантирар экан, одатий тарзда хизмат ўтайдиган ҳарбийлардан ташқари махфий операцияларни амалга оширувчи махсус гуруҳларни ҳам шакллантиришга катта эътибор қаратади. Бундай тажриба кўп ҳолларда ўзининг ижобий натижасини берган. Асирларни озод қилиш, қаршиликка учраган полиция ходимлари ва тинч аҳолини қутқариш, антитеррор операцияларни амалга ошириш, турли нотинчликларни бартараф қилиш, наркомафияларга қарши курашиш, гумондорларни тинтув қилиш рейдларига кўмаклашиш кабилар махсус операция гуруҳларининг асосий вазифаларидан саналади. Шунинг учун ҳам уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш учун кўпчилик давлатлар алоҳида ёндашади. Келинг, дунёда энг юқори ўринда турувчи ана шундай махсус операция гуруҳлари ҳақида суҳбатлашамиз.

«ҚОР ЛЕОПАРДЛАРИ» (Хитой)

Махсус ҳарбий гуруҳлар турли мамлакатларда турлича номланади ва улар бажарадиган вазифалар ҳам бир-биридан бироз фарқланиши мумкин. Хитой Халқ Республикасининг «Қор леопардлари» (Snow Leopard) бор. Хитой ушбу махсус бўлинмани узоқ вақт махфий тутган. Унинг жангчилари контртеррористик операциялар, оммавий тартибсизликларда ҳаракатланиш стратегияларини ишлаб чиққан. Шунингдек, портловчи ускуналарни зарарсизлантиришни ҳам ўрганган. 2008 йилда Пекинда ўтказилган Олимпия ўйинлари хавфсизлигини айнан «Қор леопардлари» таъминлаган.

Бундан ташқари, «Леопардлар» россиялик ҳамкасблари билан ҳамкорликда тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўйича операция ва тактикалар ишлаб чиққан. Улар ўзининг ўқ отишдаги тезкорлиги ва нишонни аниқ ола билиши билан алоҳида ажралиб туради. Шу билан бирга, «Қор леопардлари» қўл жанги бўйича ҳам бошқа мамлакатларнинг махсус бўлинмаларидан юқори туришларини таъкидлаб келишади.



«МАХСУС КЕМА ХИЗМАТИ» (Британия)



«Куч ва ҳийла» бу – Британия Қироллик ҳарбий денгиз флотининг энг ёпиқ ва олий махсус бўлинмаси саналадиган «Махсус кема хизмати» (Special Boat Service)нинг шиори. Ушбу хизматга қабул қилиш синовларида 90 фоиз номзод ортга чекинишга мажбур бўлади. Тўрт ҳафта давом этадиган қабул имтиҳони ҳақиқий матонат ва чидамнинг катта синовидир. Номзодлардан 20 соатдан кам вақт ичида 40 километрлик жанговар марш-бросок юриш талаб этилади.

Британия махсус бўлинмасига қурол билан санъат даражасида муомала қилиш, жунгли шароитида ва жанг майдонида омон қолиш сир-асрорлари ўргатилади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг тузилган «Махсус кема хизмати» дунёдаги ҳурматга сазовор махсус бўлинмалардан бири саналади. Британиянинг махсус бўлинма ҳарбийлари бир қатор давлатларда тақиқланган террористик гуруҳлар – ИШИД ҳамда «Ал-Қоида»га қарши курашда, шунингдек, Ливия ва Сьерра-Леонедаги қутқарув операцияларида иштирок этган.

GROM (Польша)

Польшанинг махсус бўлинмаси номи аббревиатура саналади ва «Тезкор-манёврли жавоб гуруҳи» деган маънони англатади. Гуруҳ 1990 йилда Совет Иттифоқидан Исроилга кўчиб ўтган яҳудийларни ҳимоя қилиш учун тузилган. Польша махсус бўлинмаси ўз ҳаракатларини «Ҳизбуллоҳ» фаолияти кўпроқ кузатилган ҳудудларда амалга оширган. GROMнинг мавжудлиги 1994 йилгача, яъни польшалик махсус гуруҳ жангчилари «демократияни тиклаш» операцияси доирасида Гаитига юборилгунига қадар махфий бўлган.

Мазкур махсус бўлинма асирларни озод қилиш ва контртеррористик операцияларни ўтказишга ихтисослашган. Унинг жангчилари яхши қуролланган ҳамда сувга шўнғиш ва парашютдан сакраш, портлатиш ва турли транспорт воситаларини бошқаришнинг мукаммал кўникмасига эга. Таъкидланишича, GROM қай ишга киришмасин, ҳар доим ўз номига мос ҳаракат қилган.



МАХСУС БЎЛИНМАЛАРИ

«ДЕЛЬТА» (АҚШ)



Delta Force бу АҚШнинг олий ҳарбий бўлинмасидир. Унинг аксарият жангчилари армия рейнжерларининг 75-полки ва «яшил беретлар» бўлинмасидан, шунингдек, Ҳарбий ҳаво ҳамда денгиз кучларидан олинади. «Дельта» махсус бўлинмаси ўта муҳим нишонларни қўлга олиш ва йўқ қилиш, террористик ячейкаларга қарши курашиш ва бошқа турли махфий топшириқларни бажариш билан шуғулланади. Берилган топшириққа қараб махсус бўлинма турлича номланиши ҳам мумкин.

Delta Force бажарадиган операциялар кўп ҳолларда махфийлигича қолади. Бироқ Саддам Ҳусайннинг қўлга олиниши ва Усама бен Ладеннинг йўқ қилиниши айнан шу бўлинманинг хизмати экани айтилади. «Дельта» жангчилари тайёргарлик вақтида асирлар ролини ўзлари ўйнайди, бу вақтда уларнинг бошқа сафдошлари асирни қўлга олган жиноятчига қарата ўқ узади. Бу махсус бўлинма жангчиларининг нақадар аниқ нишонга олиш кўникмасига эга эканини кўрсатади. Шу билан бирга, сафдошларда бир-бирига бўлган ишончнинг ортишига ҳамда бехосдан асирларни нишонга олиб қўймаслик кўникмаси шаклланишига хизмат қилади.

«САЙЕРЕТ МАТКАЛЬ» (Исроил)

«Сайерет Маткаль» «269-бўлинма» номи билан ҳам машҳур. У Исроил Мудофаа армияси бош штабининг махсус гуруҳи саналади. Кенг разведка имкониятлари ва террористларни йўқ қилиш ва асирларни озод қилишдаги муваффақиятли ҳаракатлари 1967 йилда тузилган бўлинма обрўсини ошириб юборди. «Сайерет Маткаль» махсус бўлинмаси махфийликка катта эътибор қаратади. Улар ниқобланган кичик гуруҳларга бўлиниб, қўққисдан ҳужум қилади ва рақиб нима бўлаётганини тушунгунига қадар операцияни якунлаб, ортга қайтади.

Мазкур гуруҳнинг энг машҳур операцияси 1976 йилда Энтеббе (Уганда) шаҳрида Air France авиакомпанияси самолётини озод қилишидир. Озод қилиш операцияси режаси бир ҳафтада ишлаб чиқилди, уни амалга оширишга эса бир соатдан ортиқроқ вақт сарфланган холос. «Сайерет Маткаль» жангчилари яширин тарзда терминалга яқинлашиб, террористларни бир ҳамлада йўқ қилади. Улар 106 нафар асирдан 102 нафарини қутқариб қолишга эришган. Операция давомида бир нафар ҳарбий ҳалок бўлган.



РОССИЯ МАХСУС БЎЛИНМАЛАРИ



Россия махсус операция кучлари сирлилик оламида яшайди. Лекин айтиш мумкинки, Россия Американинг «Delta Force»ини ортда қолдирувчи махсус бўлинмаларга эга. Россия махсус бўлинмалари разведка олиб бориш, душманнинг таъминотини, алоқа алмашинувчи тизимларини узиб қўйиш, рақибнинг кучсиз томонларини аниқлаш бўйича катта тажрибага эга. Россия махсус операция кучларининг Американикидан яна бир фарқи шуки, россияликлар ўзлари учун қуролларни эркин танлаши мумкин. Кўп соҳалар қатори ҳарбий салоҳиятда ҳам рақобатдош бўлган АҚШ ва Россия армиясининг махсус бўлинмалари техник жиҳозланишини сўнгги бор «National Interest» нашри қиёслаб кўрган эди.

Натижа шу бўлдики, Россия ва АҚШ махсус кучларининг вазифалари ва мақсади турличадир. Россия кучлари мудофаа чоғида ишончли ҳаракат қилса, Америка кучлари ҳужум уюштиришда ўзларини кўрсата олади.

МАХСУС ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ КУЧЛАРИ (Испания)

Испания махсус ҳарбий денгиз кучлари 2009 йилда тузилган. Унинг таркибига ҳарбий водолазлар, портлатиш ускуналари мутахассислари ва ҳарбий денгиз кучларининг асосини ташкил қилувчи махсус операциялар отрядлари киради. Испания махсус ҳарбий денгиз кучлари террорист ва диверсантлар билан курашиш, қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш ва душман кемаларини эгаллашга ихтисослашган.

Испанларда асирларни озод қилиш ва қароқчилар билан курашиш борасида тажриба бор. 2002 йилда улар Яманга ракета олиб кетаётган Шимолий Корея кемасига ҳужум қилган. 2011 йилда эса французлик асирни сомалилик қароқчилар қўлидан озод қилишган. Бу уларнинг фаолияти билан боғлиқ бизга маълум бўлган воқеалар холос. Улар бажараётган топшириқларнинг аксарияти махфийлигича қолмоқда.

Кўриб турганингиздек, аксарият мамлакатларнинг махсус операция кучлари ўз фаолиятини махфий тарзда олиб боради. Бу, албатта, уларнинг ўз мақсадига эришишига халал берувчи бирор кор-ҳол рўй беришининг олдини олади. Кўп ҳолларда уларнинг рақиблари террористлар бўлганини ҳам кузатиш мумкин.



Ўзбекистон мудофаа тизими таркибида ҳам, албатта, махсус операцияларни бажарувчи алоҳида бўлинмалар бор. Уларнинг ҳарбий салоҳияти, сабр-матонати, ватанпарварлиги юқорида келтирилган хориж давлатларининг махсус бўлинмаларникидан ўтса-ўтадики, асло қолишмайди.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ, журналист

ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

ТАСМАЛАРДА МУҲРЛАНГАН ТАРИХ

Урушга жами 258 нафар кинооператор жалб этилиб, улар фронтнинг турли жабҳаларидаги воқеаларни 3,5 минг метрлик киноплёнкага муҳрлаган. Улардан бири ўзбек ҳужжатли кино санъати асосчиларидан бири Малик Қаюмов эди.

Ноёб тасвирларни олиш учун улар ўз ҳаётларини қурбон қилганлар. Жангларда кинооператорларнинг ҳар иккисидан бири оғир яраланган, ҳар тўрттасидан бири ҳалок бўлган. Жангнинг қандай бориши, отилган снаряд ва ўқ-дориларни душманга қандай талафот етказишининг тасвирга олиш учун ҳам улар жангчилардан уч-тўрт қадам олдинда боришлари шарт бўлган. Бу эса ёвнинг ўқига юзма-юз туриш билан баробардир.

Жанг майдонларида тасвирга олинган барча кадрлар, ҳатто уларнинг қоралама нусхалари ҳам Сталинга юборилар ва у барча кадрларни кўрганидан сўнг монтаж қилишга ва жангчилар орасида тарғибот ишлари учун фойдаланишга рухсат берган. Жанг майдонларидан олинган тасвирлар юқори мартабали генерал ва қўмондонларнинг берадиган ҳисоботларидан устун турган, сабаби бу кадрлар экранда урушнинг ҳақиқий манзараларини ҳеч қанақанги бўрттиришларсиз акс эттирган. Шунинг учун ҳам у фронт операторлари ишини юқори баҳолаган.

1911 йил Тошкентда туғилган Малик Қаюмов кинодаги фаолиятини ўн саккиз ёшидан бошлаган. Айнан шу ёшида у «Шарқ Юлдузи» (ҳозирги «Ўзбекфильм») номидаги биринчи ўзбек кинофабрикасига ишга киради. 1930 йилда ўзининг кинодаги биринчи ролини ижро этган Малик Қаюмовга актёрликдан кўра тасвирчилик ёқиб қолади ва у ўзини бу ишда синаб кўра бошлайди.

1939 йилда Малик Қаюмовнинг «Тошкент текстиль комбинати» деб номланган ҳужжатли кинотасмаси Нью-Йоркда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада намойиш этилади ва кўргазманинг «Катта Олтин» медали билан тақдирланади. Шу йил ёш кинооператорнинг Катта Фарғона канали қурилишига бағишланган «Улкан тўлқин» кинотасмаси экран юзини кўрди ва бу фильм учун у 1940 йилда «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирланди.

1941 йил июнь ойида Малик Қаюмов Самарқандда Амир Темур қабрини очиш жараёнини тасвирга олган. Яхши биламизки, ёши улуғ кишилар Амир Темур қабри очилса, кулфат келишини, уруш бошланиши ва бу ҳақда китобларда ҳам ёзиб қолдирилганлигини ва уни безовта қилмасликларини айтиб, даставвал Малик Қаюмовга, сўнгра экспедициянинг бошқа аъзоларига айтишади. Лекин уларнинг айтганларига ҳеч ким эътибор бермайди, қабр очилади ва уруш ҳам бошланади. Бўлиб ўтган бу воқеадан Малик Қаюмов жуда қаттиқ таъсирланган ва қайсидир маънода уруш бошланишига ўзини шу воқеа сабаб, дахлдордек ҳис этган.







Иккинчи жаҳон уруши йиллари Малик Қаюмов ҳужжатли фильмлар марказий студияси томонидан ҳарбий кинооператор сифатида кўнгилли бўлиб урушга отланди. 1941 йилдан то 1945 йилгача фронт кинооператорлари гуруҳи таркибида Москва остоналари, Ржев шаҳри учун ва Белоруссияни озод этиш учун бўлган жангларни тасвирга олди.

Малик Қаюмов Калинин фронтида бўлган вақтида генерал Георгий Жуков билан учрашади ва унга Амир Темур қабри очилиши билан боғлиқ воқеаларни айтиб беради. Жуков эса бунга жиддий қарайди ва тафсилотларни Сталинга етказади. «Доҳий» зудлик билан Амир Темур хокини Самарқандга қайтариш ва барча удумларга амал қилган ҳолда дафн этишга буйруқ беради. Орадан кўп вақт ўтмасдан фашистларнинг биринчи мағлубияти ва чекинишлари юз бера бошлайди.

Малик Қаюмов олган барча кадрлар хоҳ у фронтнинг олд чизиғидаги қақшатқич жанглар бўлсин, хоҳ ўзбек йигитларининг фронтга отланишидан олдин Регистон майдонидаги қасамёд маросими бўлсин, барча-барчаси ҳаққоний ва қимматлидир.

Биринчи Беларусь фронтида бўлаётган жанглар давомида Малик Қаюмов кўп қон йўқотаётган ярадорга ёрдам бериш учун атрофда учаётган ўқларга ҳам парво қилмай ярадор томон югуради ва уни бир амаллаб окопга судраб тушади. Яна бир воқеа ҳамкор тасвирчи Алексей Сёмин билан бўлган эди. Жангчилар автоэшелонида кетишаётганида йўлда минага дуч келиб, олдинги сафдаги машина портлаб кетади. Ана шунда Малик Қаюмов ва дўсти хавф-хатарга қарамасдан ағдарилиб ётган автомашинадан ярадорларни опичлаб олиб, ҳамшираларга етказиб беришади.

У 1942 йилнинг ноябрь ойида Ржевск остоналарида генерал-майор Зигиннинг қўшинлари олиб борган шиддатли жангларни-да тасмаларга туширди. Ва ана шу тасвирлари учун 1943 йил 11 март куни «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланди. Кўп ўтмай, Малик Қаюмов Ржевск остоналаридаги жангларда оғир яраланди ва олти ой даволаниб чиққанидан сўнг 2-Белоруссия фронтига сафарбар этилди.

Белоруссия ҳудудида олиб борилган жанглар Иккинчи жаҳон уруши тарихида муҳим ўрин тутади. Белоруссиянинг Проня дарёсини кечиб ўтиш тасвирлари совет қўшинларининг ғолибона юришларини акс эттириши билан бирга уруш тарихини ёритиб берувчи муҳим киноҳужжатга айланган.

1944 йилнинг июнь ойида Белоруссиянинг Минск шаҳри атрофидаги Хильковчи қишлоғи ҳудудида Малик Қаюмов 42-танк бригадаси жанговар ҳаракатларини тасвирга олиш жараёнида оғир яраланди. Ўт-ўланлар орасида беркиниб ётган фашист автоматчиси кинооператорнинг оёғига қарата автоматдан ўқ ёғдирди. Олинган жароҳатлари оғир бўлганлиги сабаб, Малик Қаюмов 1945 йилнинг март ойигача Москвадаги Лефортово госпиталида даволанди, учта ўқ оёғини тешиб ўтган эди. Бу ҳақда Малик Қаюмов ўз хотираларида шундай деган эди:

– Учта ўқ чап оёғимни тешиб ўтган эди. Докторлар оёқни ампутация қилишни лозим топишди, лекин жарроҳ Галина Дмитриевна Чеснокова қовурғамдан олиб, ундан оёқ ясади. Мен бу жарроҳнинг маҳоратига қойил қолмасдан бошқа иложим йўқ эди.

Шундан сўнг у II гуруҳ ногирони бўлиб армия сафларидан бўшатилди.

Урушдан кейин Малик Қаюмов «Ўзбекфильм» киностудиясида режиссёр-оператор ва унинг раҳбари лавозимларида ишлади. 1961 – 1976 йилларда Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси директори ва бадиий раҳбари вазифаларида хизмат қилди. Фаолияти давомида 400 дан ортиқ ҳужжатли фильмларни суратга олди. Унинг картиналари қаҳрамонлари нафақат мамлакатимиз, балки чет эллик давлат ва жамоат арбоблари, йирик сиёсатчилар, фан ва маданият намояндалари эди. Кино санъатини ривожлантиришга қўшган буюк хизматлари учун Малик Қаюмов халқ артисти унвонига сазовор бўлган, кўплаб орден ва медаллар билан тақдирланган. У жанггоҳларда олган иккита – «Қизил Юлдуз» ва «Қизил Байроқ» орденларини жуда қадрларди.

Ўзбек кинодарғаларидан бири Малик Қаюмов 2010 йилнинг 30 апрель куни 98 ёшида вафот этди. Унинг тасвирлари тушган кинотасмалар Россиянинг Красногорск шаҳридаги кинофотоҳужжатлар давлат архивида сақланмоқда.

Зебо ХОЛБОЕВА,
Қуролли Кучлар давлат музейи экскурсоводи

АЙЁМ ТУҲФАСИ

ФАШИЗМГА ҚАРШИ ШЕЪРИЯТ!

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага улкан ҳисса қўшган ўзбек ўғлонлари хотирасига бағишланади



Ғафур ҒУЛОМ

СОҒИНИШ

Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш!
Узилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид.
Бугун сабза бўлди қишдаги нафас,
Ҳозир қонда кезар эртаги умид.
Хоки анжир тугаб, қовун ғарқ пишган
Бахтли тонг отар чоғ уни кузатдим,
Бир малъун гулшанга қадам қўймишкан,
Жони бир жондошлар қолармиди жим!
Унда етук эди мерос мард ғурур,
Остонани ўпиб, қасамёд қилди.
Укаларин эркалаб, ўзимдай мағрур,
Яъни обод уйимни у дилшод қилди...
Иблиснинг ғарази бўлган бу уруш
Албатта, етади ўзин бошига.
Ўғлим омон келар, ғолиб, музаффар,
Гард ҳам кўндирмасдан қора қошига.
Не қилса отамен, мерос ҳиссиёт...
Жондан соғинишга унинг ҳаққи бор,
Кутаман, узоқдан кўринса бир от,
Келаяпти, дейман кўринса ғубор.
Баҳор новдасида бўртган ҳар куртак
Соғинган кўнгилга берар тасалли.
Кўчатлар қоматин эслатганидек,
Нафасин уфурар тонг отар ели.
Кечқурун ош сузсак бир насиба кам,
Қўмсайман бировни — аллакимимни,
Доимо умидим бардам бўлса ҳам,
Баъзан васвасалар босар дилимни.
Балки бир ғалат ўқ ё хавфу хатар
Хазинаи умримдан йўқотди олмос...
Йўқ, у ўлмас, қадами олам яратар,
Ҳаётий бу олам сизу бизга хос.
Тонг отар чоғида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.
Лойқа хаёлотлар чашмадай тинди,
Пок-покиза юрак бир қатра симоб.
Ўроғу гулқайчи, истак кўтариб,
Ҳовримни босишга боққа жўнадим.
Ҳашарчи қўшни қиз — унинг севгани,
Маъюс босар эди орқамдан одим.
Боғда сарвинозим йўқ эди гарчанд,
Кўмакчим арғувон ёринг Нафиса,
Сени соғинганда қилдим гул пайванд —
Бу баҳордан ҳаёт оларди бўса.
Дур бўлиб тақилур ёринг бўйнига,
Садафдай кўзимда, беҳуда бу ёш.
Икковинг икки ёш, лабинг лабига
Қўяр, васвасамдан кулади қуёш.
Асалдан ажраган мумдай сарғайиб,
Ини йўқ аридек тўзғиганим йўқ.
Улуғ эътиқодда ўламан қариб,
Абаддир мендаги падарий ҳуқуқ.
Сизларни келди, деб эшитган куни —
Ўзинг тўқиб кетган катта саватда
Тўлатиб шафтоли узиб чиқаман,
Ғалаба кунлари яқин, албатта.
Яёв, кўксим очиқ, бошда шафтолу,
Худди мўйлабингдек майин туки бор,
Ҳар битта шафтолу мисоли кулгу,
Шафақдай ним пушти, сарин, беғубор.
Суйганинг лабида реза тер каби
Унда титраб турар сабуҳий шабнам.
Мунчалик мазани топа олмайди
Уйқуда тамшанган чақалоқлар ҳам.
Ё ўғлим, жонингнанг саломат бўлсин,
Ўз боғинг, ўз меванг, данагин сақла.
Шу мерос боғингни ўз қўлингга ол,
Менга топширилган меросий ҳақ-ла.
Боғда товус каби хиромон бўлиб,
Умид данагини бирга экингиз,
Ғолиб келажакни сайр қилайлик
Мушфиқ онагинанг билан иккимиз.



Эркин ВОҲИДОВ

ЁД ЭТИНГ

Қурбон бўлган аскар нидоси

Мен қаро тупроқда ётган ўғлингизман, ёд этинг,
Интизор руҳим тиловат бирла йўқлаб шод этинг.
Қолмишам олисда беқабру кафан, беном-нишон,
Хотиримга кўнглингизда бир макон бунёд эдинг.
Ҳар баҳор қутлуғ зафар айёмида сайр этсангиз,
Лолаларга термилинг, покиза қоним ёд эдинг.
Мен ҳаётда бир фарах кўрмай ҳаётдан ажрадим,
Бахтингиз қадрин билинг, андуҳингиз барбод этинг.
Жангга кирдим, жон фидо этдим Ватан тупроғи деб,
Меҳри жонимда тирикдур, сиз уни обод этинг.
Мен олис элларда қолган ўғлингизман, ёд этинг,
Интизор руҳим тиловат бирла йўқлаб шод этинг.



Рауф ПАРФИ

* * *

Тонг отмоқда. Тонг ўқлар отар,
Тонг отмоқда, қуёш — замбарак.
Яраланган Ер шари ётар,
Бошларида яшил чамбарак.
Тонг отмоқда, мусаффо тонгга
Юрагини тутар одамлар,
Шу тонг учун келган жаҳонга,
Шу тонг дея ўтар одамлар.
Тонг отмоқда...



Абдулла ОРИПОВ

АЁЛ

Йигитлар мактубин битганда қондан,
Келинлар фироқдан чекканда ёҳу,
Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,
Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.
Севгидан етиму умрдан ярим,
Қуриган кўксида ёлғиз беланчак.
Абадий фироқни, ҳайҳот, дўстларим,
Абадий висол деб билди келинчак.
Қақраган лабларда оловли нафас,
Кечалар кечмишин айлади кўмир.
Паришон сочлари ёр кўкси эмас,
Муздайин болишда қолди бир умр.
Йиллар ҳам ўтдилар, ҳамон у ёлғиз,
Мунғайиб термилар ботгувчи кунга.
Эй номард табиат, борми сенда ҳис,
Қайтадан бахт берсанг бўлмасми унга?!
Наҳот ишқ қисмати бунча бераҳм,
Бунчалар буюксан вафо шеваси.
Сенгадир ҳурматим, сенга шарафим,
Қаҳрамон жангчининг содиқ беваси.
Сиз-чи, эй садоқат сатридан нолиб,
Надомат комида қолганлар, айтинг.
Ўзини минг битта бозордан олиб,
Минг битта бозорга солганлар, айтинг.
Шу чўлпон кўзларнинг буюк ҳурмати,
Шу ақиқ лабларнинг рост сўзи дея,
Сўйланг-чи, вафонинг надир қиммати,
Сиз ҳам кутганмисиз бирор сония?!
Баъзида тирноқлар безаги учун
Саҳардан шомгача қилурсиз тоқат.
Бироқ ёрингизни кутгали нечун
Топилмас тирноқча сабру қаноат.
Назокат пайтимас, яқинроқ келинг,
Буюк зот қошида айлангиз салом.
Шу содиқ бевага саждалар қилинг,
Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.
Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,
Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.



Усмон АЗИМ

* * *

Дунё қотди бешамолликда.
Ҳаёт... баттар тортмасин деб дим,
Бош кўтардим окопдан тикка:
– Ҳаммангизни, душман, кечирдим!
Меҳру шафқат шамоли эсди,
Ғаш ариган менинг кўнглимдан.
Кечирдим-у, мен баланд ўсдим,
Қуролни ҳам отдим қўлимдан.
Кечиримсиз яшайсиз бунча!
Ўқ отилди. Ҳаво тортди дим.
...Ўқ бағримни тешиб ўтгунча,
Ҳаммангиздан узоқ яшадим.

ХОРИЖ

ПОКИСТОН АРМИЯСИНИНГ ЯДРОВИЙ КУЧЛАРИ

> Покистон Ислом Республикаси раҳбарияти ички ва ташқи сиёсий барқарорлик, шунингдек, давлатнинг стратегик манфаатларини таъминловчи Қуролли Кучларнинг жанговар салоҳиятини замон талаблари асосида кучайтириб боришга жиддий эътибор қаратади ва бу вазифа мамлакат ҳарбий-сиёсий курсининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.



Мамлакатда қабул қилинган ҳарбий-доктринал ҳужжатлар асосан мудофаа характерига эга бўлиб, ташқи агрессияларнинг олдини олиш ва босқинчиларнинг республика ҳудудига бостириб киришига йўл қўймасликка йўналтирилган. Расмий Исломобод фикрига кўра, оддий қуроллар миқдори бўйича катта устунликка эга бўлган Ҳиндистон мамлакат учун асосий хавф ҳисобланади ва деярли 55 йилдан буён (1965 йил сентябрида Кашмир масаласи бўйича қуролли можаролар келиб чиққан) мазкур икки қўшни давлат ўртасида давом этиб келаётган ҳудудий келишмовчиликлар исталган вақтда қуролли тўқнашувларга айланиб кетиши мумкин.

Покистон раҳбарияти юзага келиши мумкин бўлган урушда оддий қуроллар билан Ҳиндистон армиясига узоқ муддат давомида муваффақиятли қаршилик кўрсатиб бўлмаслигини яхши тушунади. Шундан келиб чиққан ҳолда, эҳтимолий агрессиянинг олдини олиш мақсадида ядровий қурол билан таъминланган миллий стратегик кучларни ташкил этиш масаласи раҳбарият олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади ва бу борада сўнгги йилларда кўплаб ишлар амалга оширилди. Мамлакатда баллистик ракеталар (шу жумладан, ядровий каллак билан жиҳозланган) арсеналининг мавжуд бўлиши Покистоннинг дунёдаги сиёсий таъсирини кучайтириш ва минтақадаги кучлар мувозанатини сақлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шу сабабли ҳам миллий Қуролли Кучларни босқичма-босқич ракета-ядро қуроли билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу режаларни ҳаётга татбиқ этиш миллий ҳарбий саноат комплекси имкониятларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, замонавий технологиялар ва тайёр қуролларни бошқа давлатлардан харид қилиш орқали амалга оширилмоқда.

Хориж экспертлари фикрича, ҳозирги вақтда Исломобод ихтиёрида 110 – 130 та ядровий қурол бирлиги мавжуд, жанговар зарядлар конструкциясида асосан юқори даражада бойитилган урандан фойдаланилмоқда. Мамлакатда уран ишлаб чиқариш (шу жумладан, ҳарбий мақсадларда) йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳозирга келиб республикада уран захирасининг умумий ҳажми 3-3,5 тоннани ташкил этади. Бундан ташқари, Покистон Хушоб шаҳрида (Панжоб вилояти) жойлашган ва таркибига оғир сувда ишловчи 4 та ядро реактори кирувчи плутоний ишлаб чиқариш комплексини кенгайтириб бормоқда. Маълумотларга кўра, мамлакатда 200 килограммга яқин плутоний захираси жамланган.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда Қуролли Кучларнинг алоҳида тури сифатида стратегик ядро кучларини ташкил қилиш жараёни давом этмоқда ва бу йўналишдаги ишларни 2035 йилгача якунига етказиш кўзда тутилган.

Ҳарбий авиация ва турли типдаги ракета комплекслари ядровий қуролларни етказувчи асосий воситалар ҳисобланади ва улар орасида Покистон Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли «Мираж – 5» типидаги тактик қирувчи самолётлар алоҳида аҳамият касб этади. Экспертлар фикрича, 1980-йилларда АҚШдан харид қилинган F-16A/B қирувчи самолётларнинг маълум бир қисми 2005 – 2008 йилларда чуқур модернизациядан ўтказилган ва ядро қуроли ташишга мослаштирилган. Такомиллаштириш ишлари ва тажрибавий-синов парвозлари ўтказилганидан сўнг «Мираж – 3» самолётлари ҳам ядро бомбалари билан жиҳозланиши кўзда тутилган. Тахминларга кўра, мамлакат Ҳарбий ҳаво кучлари ихтиёрида уранли зарядга эга бўлган 40 та ядро авиабомбаси мавжуд.

Ҳозирги даврга келиб эскириб қолган самолётларни янги намуналар билан алмаштириш, шунингдек, қирувчи ва қирувчи-бомбардимончи авиация паркини янада кенгайтириш мақсадида қабул қилинган бир қатор дастурлар ҳисобига ҲҲКнинг жанговар салоҳиятини янада кучайтириш режалаштирилган. Жумладан, Хитой билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган JF-17 типидаги тактик қирувчи самолётларни серияли равишда ишлаб чиқариш ва модернизациялаш ишларини давом эттириш, уларни катта масофаларга мўлжалланган «Раад» типидаги бошқарилувчи ракеталар билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Покистон Қуролли Кучлари тасарруфида ўрта масофаларга мўлжалланган «Шахни – 2» ва «Гаури» русумли баллистик ракеталарни ишга туширишга мўлжалланган стратегик ракета комплекслари мавжуд. Суюқ ёқилғили «Гаури» ракетасининг отиш масофаси 1 250 км, қаттиқ ёқилғили «Шахни – 2»нинг отиш масофаси 2 500 км.ни ташкил этади. Шунингдек, параллел равишда оддий ва ядровий каллакларни олиб учишга қодир бўлган «Шахни – 3» типидаги баллистик ракеталарни такомиллаштириш ишлари давом этмоқда. Бу типдаги ракетанинг дастлабки синов учирилиши 2015 йилнинг март ойида амалга оширилган. Отиш масофаси 2 750 км бўлган «Шахни – 3» Ҳиндистоннинг исталган ҳудудидаги нишонларга етиб бориш имконига эга.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ураннинг табиий захиралари ва ядроли жанговар каллакларни ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган Покистон ҳарбий саноати 2035 йилгача ядровий зарядлар миқдорини 250 – 300 тагача етказишга қодир. Ядровий ракета қуролига эга бўлиш мамлакатнинг сиёсий мавқеини янада мустаҳкамлаш ва эҳтимолий агрессияларнинг олдини олишнинг муҳим омили ҳисобланади.

П. СОБИТОВ тайёрлади.

ЖАҲОНДА

МУЗҚАЙМОҚҚА ТАЛАБ ОРТМОҚДА



Хитойда шу кунларда музқаймоқ савдоси юқори даражага кўтарилгани қайд этилди. Таҳлилчилар фикрига кўра, бунга пандемия оқибатида мажбурий изоляцияда бўлган фуқароларнинг музқаймоққа талаби ошганлиги сабаб бўлган. Ўз маҳсулотини интернет орқали тарқатиш имконига эга бўлган музқаймоқ ишлаб чиқарувчилар катта даромад олишга муваффақ бўлмоқда. Хусусан, Chicecream бренди остидаги музқаймоққа бўлган талаб 1000 фоизга ошган.

ШУБҲАЛИ АВТОМОБИЛЬ



Озарбайжон давлат чегара хизмати ходимлари мамлакат ҳудудига олиб кириш учун мўлжалланган 115 кг наркотик модда ва 2 та ўқотар қуролни қўлга туширдилар. «Горадиз» чегара заставаси ҳарбийлари ВАЗ-2107 русумли автомобиль яқинлашиб келаётганини кўриб, уни тўхтатмоқчи бўладилар. Буни кўрган ҳайдовчи машинадан тушиб қочмоқчи бўлади, аммо у ўз вақтида қўлга олинади. Автомобиль тинтув қилинганида 115 кг героин, опиум, марихуана ва метамфетамин, битта пистолет, ов милтиғи ва 27 та патрон топилган.

САЙЛОВЛАР ВАҚТИДА ЎТКАЗИЛАДИ



Белоруссия Президенти Александр Лукашенко жорий йилнинг ёзида ўтказилиши белгиланган президент сайловлари коронавирус пандемиясига қарамасдан ўз вақтида ўтишини маълум қилди. Сайловларнинг аниқ муддати яқин кунларда эълон қилинади. «Бу сайловларни қолдиришга бизда асос йўқ. Шу сабабли биз уларни ўтказамиз, яқин кунларда аниқ муддатини белгилаймиз. Бу узоғи билан август ойи охирларида бўлиб ўтади», деди Лукашенко.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

БУ ҚИЗИҚ!

> Ҳарбий денгиз кучларини сув ости кемаларисиз тасаввур қилиш қийин. Чексиз имкониятларга эга бўлган инсон тафаккурининг ёрқин маҳсулларидан бири бўлмиш бундай кемалар ҳам ўз тарихига эга бўлиб, **биринчи сув ости кемаси** лойиҳасини голландиялик физик олим Корнелиус ван Дреббель 1620 йилда Лондонда яратган ва шу асосда уни қурган.



СУВ ОСТИ КЕМАЛАРИ ТАРИХИДАН

Ёғочдан тайёрланган ва қалин қатламли ёғ суртилган тери билан қопланган кема ўн икки нафар эшкакчи томонидан ҳаракатга келтирилган. Мазкур ишланмани қирол Яков I га намойиш қилиш вақтида Дреббель ва унинг жамоаси 2 соат мобайнида Темза дарёси остида ҳаракатланган. Кеманинг ички қисмида тоза ҳавони сақлаб туришнинг ўзига хос усулини топган олим кислород олишни Жозеф Пристлидан 150 йил олдин кашф этган деб ҳисобланади. Мазкур янги ишланма ҳарбий кема бўлиши мўлжалланган, аммо ҳарбийлар ундан фойдаланишга қарши чиққанлар.

***

Ҳарбий ҳаракатларда фойдаланилган биринчи сув ости кемаси америкалик Дэвид Бушнелль томонидан 1776 йилда лойиҳалаштирилган ва унга «Америкэн Тетл» (Америка тошбақаси) деб ном берилган. Мамлакат ҳарбийлари бу кемадан Англия флотига қарши олиб борилган урушда фойдаланишган. Тарихий маълумотларда қайд этилишича, денгизда кечган жанглардан бирида сержант Эзре Ли бошқарувидаги бир ўринли митти кема Британия флотининг флагман кемаси «Игл»га ҳужум қилган. Корпусига мина ўрнатилган «Америкэн Тетл» якорда турган кемага яқинлашиб



келган, аммо кутилмаганда мина узилиб кетган ва юзага келган портлаш «Игл»га ҳеч қандай зарар етказа олмаган. Шунга қарамай, «Америкэн Тетл» эшкак винтига эга бўлган биринчи сув ости кемаси сифатида тарихдан жой олган.

***


Сув ости кемасининг биринчи муваффақиятли ҳужуми 1864 йилнинг 17 февралида амалга оширилган. Конфедератларга тегишли бўлган ва торпеда билан қуролланган H. L. Hunley русумли кема Чарльстон портига сездирмасдан кирган ва федерал қўшинларнинг Housatonic номли янги кемасини чўктириб юборган. Портлаш жуда кучли бўлганлиги сабабли ҳар икки кема ҳам яксон бўлган. Сув ости кемасининг 8 нафар аъзоси командир Жорж Диксон билан бирга ҳалок бўлган.





H. L. Hunley Алабамадаги «Ханли, Макклинток ва Уотсон» компанияси томонидан конфедератлар учун қурилган кўп сонли кемалардан бири эди. «Дэвид» номи остида машҳур бўлган ва қўлда ҳаракатга келтирилувчи бундай кемалар «Голиаф»га, яъни федералларнинг ҳарбий флотига қарши курашга мўлжалланган эди.


***



Сув сиғими 420 тоннага тенг бўлган Le Piongeur **двигатель билан жиҳозланган биринчи сув ости кемаси** ҳисобланади. У 1863 йилда Рошфор шаҳридаги кемасозлик верфида қурилган, аммо кеманинг тезлиги ва ҳаракатланиш радиусининг қисқалиги ундан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш имконини бермаган.

***

Ҳарбий флот таркибига киритилган биринчи сув ости кемалари 1879 йилда Россия ҳукумати буюртмаси бўйича қурилган. Асосан соҳил зоналарини қўриқлаш учун мўлжалланганлиги сабабли уларни жанговар кема, деб аташ жуда қийин.




***

Адмирал Хьюман Жорж Риковер томонидан лойиҳалаштирилган ва «Наутилиус» деб номланган **биринчи атом сув ости кемаси** Гротон шаҳри (Коннектикут штати)даги кемасозлик корхонасида қурилган ва 1954 йилнинг 21 январида сувга туширилган. Жанговар кеманинг узунлиги 324 фут, сув сиғими 3 747 тонна, максимал тезлиги 20 узелни ташкил этган. Экипаж 11 нафар офицер ва 85 нафар матросдан иборат бўлган. «Наутилиус» биринчи денгиз сафарига 1955 йилнинг 17 январида йўл олган. Кема реакторидаги ёқилғи биринчи бор 2 йилдан сўнг, яъни «Наутилиус» 69 138 миля йўл босиб ўтганидан кейин алмаштирилган.

***

Биринчи торпеда венгриялик офицер Иван-Блаж Луппис томонидан ихтиро қилинган. Бу қурол портловчи модда билан тўлдирилган шаффоф елканли қайиқ кўринишида бўлган ва соҳилдан махсус ингичка тroслар ёрдамида бошқарилган. Бироқ ушбу модель муваффақиятсиз чиққан ва тез орада пневматик двигатель, винт (паррак) ҳамда нишон билан учрашув вақтида портловчи модда зарядини ишга туширувчи зарбдор игна билан таъминланган бошқа модель ишлаб чиқилган. Торпеда душман ўқидан ҳимояловчи металл пластиналар билан қопланган.

1860 йилда бу қурол Австрия императори Франц-Иосиф I га намойиш этилган. Торпедани янада такомиллаштириш бўйича тегишли қарор қабул қилинганидан сўнг Луппис бу ишда ёрдам кўрсатишни сўраб, Италиянинг «Стабилименте техник Фьюмано» фирмаси филиали директори англиялик Р. Уайтхедга мурожаат қилади. Ҳамкорликда



олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 1866 йилнинг октябрида сув остида горизонтал руллар ва гидростатга эга бўлган сув остида сузувчи янги торпеда ишлаб чиқилган. Икки йилдан сўнг бундай торпедалар Австрия – Венгрия флоти қуроллари таркибидан жой олган, кейинчалик эса Англия, Франция, Германия ва Дания мазкур янги қуролни ишлаб чиқариш ҳуқуқини сотиб олган. Биринчи жаҳон уруши вақтида торпедалардан кенг кўламда фойдаланилган. Ўша даврда 1,5 мингдан ортиқ торпеда ишлаб чиқарилгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

МИНТАҚАДА

КЎРСАТКИЧЛАР ОШИБ БОРМОҚДА



Тожикистон корхоналари 2020 йилнинг дастлабки уч ойида 660 млн доллар миқдорида товар ишлаб чиқарди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,9 фоизга ошган. Саноат вазирлиги раҳбари Файзуллозода Заробиддиннинг сўзларига кўра, тоғ-кон, озиқ-овқат ва енгил саноат, шунингдек, электр энергиясини ишлаб чиқариш соҳасида юқори кўрсаткичлар қайд этилган. Таъкидланишича, шу давр мобайнида бошқа мамлакатларга экспорт қилинган товарлар миқдори 236 млн долларни ташкил қилган.

ҲУКУМАТ РЕЖАСИГА КЎРА



Туркманистонда маҳаллий компьютер ва планшетлар ишлаб чиқариш ҳажми янада оширилади. Мамлакат ҳукумати қудратли процессорлар, кенгайтирилган оператив хотира ва илғор дисплейлар билан жиҳозланган электрон қурилмалар, шунингдек, ноутбук ва планшетлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришни режалаштирмоқда. Бу жараён асосан «Agzybirlik tilsimaty» қўшма корхонаси томонидан амалга оширилади. Корхона йилига 500 мингга яқин компьютер ишлаб чиқариши кўзда тутилмоқда.

НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШ ОЛДИДАН



Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Токаев ва Белоруссия Президенти Александр Лукашенко ўртасида бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Евроосиё иқтисодий иттифоқининг навбатдаги йиғилишига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди. Ўзаро суҳбат давомида томонлар бир-бирларини ғалаба байрами билан табрикладилар. Шунингдек, ҳозирги даврнинг энг долзарб масаласи бўлиб қолаётган коронавирус пандемияси мавзуси ҳам четлаб ўтилмади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ҒАЛАБА СОЛНОМАСИ

ТАНАМГА ЎТ ТУТАШТИРГАН КАЛОМ

Қудрат Рахмонов 1916 йил 16 декабрь куни Самарқанд вилоятининг Хатирчи туманида туғилган. Ўша пайтда жуда кўп болаларнинг таълим олиш имконияти чекланганини кўриб ич-ичидан қийналар, жамиятни емираётган нарса эса илмсизлик эканини ўз кўзлари билан кўриб, юрак-юрагидан ҳис этарди. Шу боис ёш Қудрат кўнглига қаттиқ тугиб қўйди: келажакда, албатта, ўқитувчи бўлади! Мактабни аъло баҳоларга тамомлаган Қудрат ўз орзулари йўлида Каттақўрғон ўқитувчиларни тайёрлаш курси томон отланди. У ерни муваффақиятли тамомлаб, ўзи орзу қилганидек ёшларга дарс бера бошлади.



1939 йилнинг 18 сентябрь куни эди ўшанда. 23 ёшни қаршилаган ёш муаллим армия сафига чақирилди. Ҳарбий хизматни Орлов шаҳридаги Карачевский полкида ўтай бошлади. Жонажон Ватанидан, дўсту биродаридан олисда бўлиб, армия ҳаётига кўниккан, яна бироз муддатдан кейин юртимга қайтаман, деб турганида Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Уни қуролдош дўстлари



билан бирга фашистларга қарши курашиш учун 1941 йилнинг июль ойида Орловдан Тамбовга юборишади.

Уруш ўз номи билан уруш. У ҳеч кимни аяб ўтирмайди, унда омон қолишнинг биргина йўли бор: жанг қилиш! Қудрат Рахмонов фашистларга қарши ана шундай мардларча кураш олиб боради ва кичик сержант ҳарбий унвони билан тақдирланади. Жангдан жангга малакаси ошиб бораётган Қудратни 773-зенитчи артиллерия полкига бўлинма командири этиб тайинлашади.

Шундай қилиб кичик сержант Қудрат Рахмонов 1944 йил 27 январдан 1-Белоруссия фронтининг 45-зенитчи артиллерия полки зенит дивизионининг пулемётчилар ротасида пулемётчи бўлинмаси командири бўлиб душманга қарши курашни давом эттиради. Унинг бўлинмаси довюраклиги, топшириқларни бекаму кўст адо этиши ва душманга бўлган чексиз нафрати билан артиллерия полкида алоҳида ажралиб турарди. Улар жангга кирган пайти бўлинмаси билан душманга қарши шунақанги қақшатқич зарбалар берардики, пана-пастқамда тирик қолган душманга кўз очирмасди. Фашистлар тутдек тўкилар, уруш борган сари забтига чиқаверар эди.

Қудрат 1944 йил 24 мартдан бошлаб 668-зенит-пулемётчилар ротасида пулемётчи бўлинмаси командири бўлиб фашистларга қарши курашни давом эттиради. Урушда иштирок этган қанчадан-қанча инсонлар ғалаба нашидасини суролмай, омонатини топширган. Берлин учун бўлиб ўтган аёвсиз жангларда иштирок этган, яна қанчадир вақт тирик бўлиб турса, уруш тугагани-ю, ғалаба қозонганини ва шу ғалабага ўзининг ҳам муносиб ҳисса қўшганини қалбан ҳис этиб, кўксини қуёшга тутолмай жон берган аскарлар қанча? Бироқ тажрибали командир Қудрат Рахмонов ўзига ва бўлинмасига берилган жанговар вазифаларни моҳирона адо этиб, фашистларни ўз уйигача қувиб бора олди, Берлин учун бўлган муросасиз жангларда мардонавор қатнашди ва... ва... «Ғалаба!», «Ғалаба!!» деган каломни бўғиқ овоз билан бўлса-да айта олди. Бу сўз унинг ҳам бўғзини куйдириб, танига енгиллик берди.

Ҳа, Қудрат Рахмонов шу тариқа 1941 йил июль ойидан 1945 йил май ойига қадар Иккинчи жаҳон урушида тўлиқ қатнашди. У қонли жанггоҳларда мардлик ва шижоат тимсоли сифатида ҳурмат қозона олди. Шундан сўнг 1945 йил 18 ноябрда ҳарбий хизматдан захирага бўшатилиб, она Ватанига соғ-омон қайтиб келади.

Қудрат Рахмонов урушдан кейинги ҳаётини яна ёшларга илм беришга бағишлайди. Самарқанд давлат педагогика институтида таҳсил олиб, Хатирчи туманидаги мактабларда узоқ йиллар мобайнида педагоглик фаолияти билан шуғулланади. Турмуш ўртоғи Мушаррам Рахмонова билан 10 нафар фарзандни вояга етказди, улар ҳам олий маълумот олиб, эл-юрт хизматига камарбаста бўлди.

1977 йил 18 ноябрда Қудрат Рахмонов «Меҳнат фахрийси» унвони билан тақдирланди. Бундан ташқари турли йилларда ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси учун орден ва медаллар билан тақдирланган эди. У 1990 йил 5 февраль куни 74 ёшида вафот этди.

Исломжон НОРМАМАТОВ

ОНЛАЙН-КОНФЕРЕНЦИЯ

ДУНЁ АРМИЯСИ ностандарт вазиятларга қанчалик тайёр?

Қуролли Кучлар академиясида «Мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш амалиётида ноанъанавий хавф ва таҳдидлар: ёндашувлар ва талқин» мавзусида онлайн-конференция бўлиб ўтди.



Унда Мудофаа вазирлиги ҳарбий кадрларни тайёрлаш бошқармаси раҳбарияти ва вакиллари, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги Ҳарбий тиббиёт факультети, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация ва Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Конференцияда ҳарбий билим юртлари профессор-ўқитувчиларининг тадқиқот ишлари билан шуғулланиш кўникмасини такомиллаштириш, ҳарбий соҳанинг долзарб муаммоларини ўрганиш, замонавий дунёда кечаётган ноанъанавий хавф ва таҳдидларга қарши туриш каби долзарб мавзулар юзасидан маърузалар тингланди.

Шунингдек, жамиятнинг ижтимоий-психологик жараёнига эпидемиологик инқироз оқибатларининг таъсири ва Қуролли Кучларнинг карантин тадбирларида иштирок этаётганини инобатга олган ҳолда пандемияга қарши туришдаги тутган ўрни юзасидан тингланган маърузалар иштирокчилар томонидан қизғин кутиб олинди.


– Коронавирус пандемиясининг бутун дунё бўйлаб тарқалиши, албатта, дунё мамлакатлари учун кутилмаган ҳол бўлди, – дейди психология фанлари номзоди, фалсафа фанлари доктори, профессор, Қуролли Кучлар академияси бошлиғининг инновацион ва илмий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Рустам Самаров. – Армия ҳамиша мана шундай кутилмаган хавфларга, чақирилмаган «меҳмон»ларга қарши курашиб келган. Дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, бу вазиятда ҳарбийлар жамият учун асосий тиргаклардан бири бўла олди. Юртимиздаги эпидемиологик вазият назоратида ҳам Ватан ҳимоячиларининг ўрни ва роли жуда юқори эканлигини барчамиз кўриб, билиб турибмиз.

Видеоконференцияда мана шундай вазиятларга тайёр туриш, бу каби мураккаб ҳолатларни талафотсиз бартараф этиш, пандемия ҳолатлари кузатилганда давлат таянчи бўлмиш армиянинг бажарадиган вазифалари яна бир марта белгилаб олинди.

И. НУРАЛИЕВ

Bolajon

MATEMATIKA SAYYORASI



HIKMATLAR XAZINASI



Pushaymonlik

Bahor fasli edi. Dalalar yam-yashil tusga kirgan. Qir-u adirlarda lolalar chaman bo'lib ochilgan. Bog'-u rog'lardan qushlarning sayrashi eshitiladi.

Shunday kunlarning birida Mo'min aka ketmonni olib, dalaga otlandi. Uy yumushlari bilan band bo'lib yurgan Halima opa darrov choy va nonni tayyorlab, Mo'min akaning qo'liga tutqazdi. Mo'min akaning bug'doyzori qishloqning chetida. Har yili Mo'min aka shu yerda bug'doy ekib, dehqonchilik qiladi.

Mo'min aka dalaga kelib, yam-yashil tusga kirgan bug'doyzorni ko'rib, ko'zi quvondi. Ariq chetlarini sug'orib chiqdi. Kech bo'lgach, ketmonni olib, uyiga qaytdi. Maktabdan kelib turgan Olimjon yugurganicha dadasining qo'lidan ketmonni oldi. Singlisi Nigora esa salom berib, qo'liga suv quydi.

Bahor ham oxirlab qoldi. Mo'min aka erta-yu kech tinim bilmay mehnat qildi. Bug'doyzordan yaxshigina hosil oldi. Olimjon ham bo'sh vaqtlarida do'stlari Naim va Kozimjon bilan birga dadasiga yordamlashdi. Naim va Kozimjon Olimjonning eng yaqin do'stlari. Maktabda esa bir sinfda o'qishadi.

Kunlarning birida do'stlari Olimjonni chaqirib kelishdi. Halima opa tandirning yonida non uzayotgan edi. Hovlidan yangi uzilgan nonning hidi ufurib turardi.

Halima opa bolalarni yoniga chaqirib, issiq nondan ulashdi. Bolalar ham rahmat aytishib, ko'cha tomon yugurishdi. Olimjon onasi bergan nondan bir tishladi-yu, ayvon chetiga qo'yib, u ham ko'cha tomonga qarab yugurdi.

Buni ko'rgan Halima opa og'lining orqasidan:

– Bunday qilma, o'g'lim, nonni ol, uvol bo'ladi-ya, – degancha qoldi. Olimjon esa onasining gaplariga quloq solmay, chiqib ketdi.

Ertasiga maktabga borishdi. Dars boshlandi. O'qituvchisi "Non nimadan paydo bo'ladi?" deb o'rtaga savol tashladi, har biri turli xil javob qildi.

Birinchi o'quvchi:

– Non dondan paydo bo'ladi, – dedi.

Ikkinchisi:

– Non yerdan paydo bo'ladi, – dedi.

Uchinchisi:

– Suv bo'lmasa, non bo'lmaydi, – deb aytdi.

To'rtinchisi:

– Non bu – novvoy hunarining mahsuli, – dedi. Ular o'z fikrining to'g'riligini isbot qilishga urina boshlashdi.

Shunda o'qituvchi bolalarning bahsiga yakun yasadi:

– Hammalaringizning gapingiz to'g'ri, non dondan unib chiqadi, haydalgan yerga ekiladi, sug'orib turiladi, buning uchun esa dehqon mehnat qiladi. Non esa mehnatdan yaraladi, dehqon donni ekib, bug'doy undiradi. Kombaynchi uni o'radi, tegirmonchi donni yanchib, un qiladi. Shundan novvoy bo'rsildoq nonlarni yopadi.

Demak, nonni turli kasb egalari yaratadi. Nonni uvol qilish ularning mehnatini qadrlamaslik hisoblanadi.


O'qituvchining bu gaplarini eshitgan Olimjonning ko'z oldiga ketmon ko'targan otasi, tandir yonida non yopayotgan onasi keldi.

Olimjon o'z ishidan pushaymon bo'ldi. Bugundan boshlab nonni isrof qilmaslikka ahd qildi.

M. UMARXO'JAYEVA

O'YLA, IZLA, TOP!

Bolajonlar, suratlardagi farqlarni toping.



Sahifani M. MAHKAMOVA tayyorladi.

БУ ҚИЗИҚ!

НИМА, ҚАЧОН, ҚАЕРДА?

Энг, энг, энг...

КИТОБ ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР...

1. Дунёдаги илк китоблар икки минг йил олдин пайдо бўлган. Улар дарахт ва шам эритмасидан тайёрланган. Аммо Присс қўлёзмаси деб номланган қадимий китоб беш ярим минг йил олдин папирус ёрдамида ёзилган экан.

2. Дунё бўйича жами 130 миллионта китоб мавжуд. Бу китоблар донаси эмас, асарлар миқдори асосида ҳисоб-китоб қилинган.

3. Энг сирли китоб сифатида Войнич қўлёзмаси эътироф этилади. Бу китобда қайсидир ўсимлик ҳақида сўз боради. Бироқ китоб инсоният тарихида мавжуд бўлмаган тилда ёзилгани боис олимлар ҳали-ҳануз уни ўқий олишмаяпти.

4. Дунёдаги энг қиммат китоб «Лестер мажмуаси» деб номланиб, Леонардо да Винчи қаламига мансуб. Китоб кимошди савдосида Билл Гейтсга 24 миллион долларга сотилган. Ажабланарлиси, ушбу китобни кўзгу ёрдамисиз ўқиб бўлмайди.

5. «Минг бир кеча» эртагини деярли барчамиз ўқиб чиққанмиз. Аммо бир нарсани билмаймиз. Китобнинг чоп этилган дастлабки вариантида Оловиддин араб эмас, хитойлик сифатида тасвирланган.

6. Л. Кэрроллнинг «Алиса мўъжизалар мамлакатида» китоби сотуви Хитойда қатъиян тақиқлаб қўйилган. Бунга асардаги ҳайвонларнинг ҳам инсон тилида гапириши сабаб қилиб кўрсатилган.

7. Гарвард кутубхонасида тўрт дона сирли китоб сақланади. Айтишларича, бу китоблар одам терисидан тайёрланган экан.

8. «Робинзон Крузо» асарининг давоми ҳам бор. Унда худди ўша биринчи асардаги қаҳрамон иккинчи маротаба кема ҳалокати туфайли кимсасиз оролга тушиб қолади ва минг турли мушкулотларга дуч келган ҳолда қуруқлик орқали уйига етиб олади. Қуруқлик эса Россия ҳудуди ҳисобланади.

9. Дунёда китоб чоп этиш технологияси пайдо бўлгандан бери, жами 2 миллиардга яқин китоб нашр этилган.

10. Илк роман сифатида минг йилча олдин Японияда битилган «Гэндзи қиссаси» тан олинган.

11. Энг сермаҳсул ижодкор деб ёзувчи Барбара Картлендни айтса бўлади. У ойига иккитадан роман ёзиб, дунё аҳлини аллақачон ҳайратга солиб улгурган.

12. Кўпчилик китобсеварлар ўзи мутолаа қилаётган китобнинг 18-саҳифасига етгач, қизиқиши сўниб, ўқишни тўхтатишади.

13. Қадимий Ассирияда китоб оддий лойдан тайёрланган.

14. Китоб ўғрисини дунё миқёсида библиоклептоман деб аташади.

15. Веллингтонда дунёдаги энг оғир вазнли китоб сақланади. Бу китобнинг соф вазни 50 килограммга тенг.

Интернет материаллари асосида С. МАМИРЖОНОВА тайёрлади.



БИР ЧИМДИМ

Сиқилган муштлар билан бировнинг қўлини сиқиб бўлмайди.

Индира ГАНДИ

БИЛАСИЗМИ?

Дунёга машҳур «Битлз» гуруҳи автобусида ҳамиша тўрт-бешта ҳарбий ёки полиция ёки руҳоний кийимлари олиб юрилган. Қўшиқчилар бу кийимларни нима қилишган?

Жавоб: Улар мухлис-ларнинг ғалати-рақ кийимларини кийиб олишган.

БИЛАСИЗМИ?

Ҳиндистон жанговар филлари билан машҳур. Филбон жанг пайти филнинг бош қисмида ўтирган, унинг белида ўткир қозиқ ва қўлида кичкина темир найза бўлган. У бу қуролларни қачон ишлатган?

Жавоб: филлар жангга жафохат олиб кўчирган пайт-да филбон жонини сақлаш учун филнинг миясига ўткир қозиқни боғлаб олган.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Бронежилет қандай яратилган?

Мен қаллобман!

VATANPARVAR

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир: майор Аҳрор ОЧИЛОВ

Навбатчи: Исломжон ҚЎЧҚОРОВ

Саҳифаловчилар: лейтенант Рамиз ВАЛИЕВ, III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ

Мусаҳҳиҳлар: Зебо САРИЕВА, Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА, Мастура ҚУРБОНОВА

Телефонлар: 71-260-36-50
Факс: 71-260-32-29.

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Буюртма: г-562
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 32 025 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй.